8. Николаев Б.С., и др. О возможности посмертной диагностики сахарного диабета / Николаев Б.С., Кинле А.Ф., Самаркина О.Ю. // Судебно-медицинская экспертиза. 2010;5:39-40.
9. Авраменко Е.П. и др. Посмертная дифференциальная диагностика диабетического и алкогольного кетоацидоза / Авраменко Е.П., Зороастров О.М., Лоттер М.Г., Зороастров М.О. // Судебно-медицинская экспертиза. 2010; 5:36-38.

Поступила 20.03.2023

Received: 20.03.2023, Accepted: 25.03.2023, Published: 15.04.2023.

УДК 616.53-002.25

ҲУСНБУЗАР КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Иноятова Н.Р.

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазар тумани, Фароби кўчаси, 3, тел: 78 1470206, 94 6374043 E-mail: nidiv@mail.ru

✓ ***Резюме***

Бутун Жахон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг маълумотига кўра тери касалликлари орасида хуснбузар кассалиги кенг тарқалган бўлиб ахоли орасида, айниқса ёшларда 35-41% ни ташкил этади. Ушбу касалликнинг этипатогенетик жихатлари ҳанузгача тўлиқ ечилгани йўқ.

Калит сўзлар: фатидерм, дермоидес кўйлаги, хуснбузар.

ИИНОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ЛЕЧЕНИИ УГРЕВОЙ СЫПИ

Иноятова Н.Р.

Республиканский специализированный научный-практический центр дерматовенерологии косметологии Ташкент, Узбекистан

✓ ***Резюме***

По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) угревая сыпь распостраняется в основном у подростков составляя 35-41% от всех нозологий. Этипатогенетические аспекты данной болезни не доконца раскриты.

Ключевые слова: фатидерм, рубашка дермоидес, угревая сыпь.

INNOVATIVE APPROACH TO ACNE TREATMENT

Inoyatova N.R.

Republican Specialized Scientific and Practical Center for Dermatovenereology and Cosmetology Tashkent, Uzbekistan

✓ ***Resume***

According to the World Health Organization (WHO), acne spreads mainly in adolescents, accounting for 35-41% of all nosologies. Etiopathogenetic aspects of this disease are not fully disclosed.

Key words: fatiderm, dermoides shirt, acne.

Долзарблиги

Хуснбузар касаллиги инсоннинг ўсмирлик даврида бошланишига қарамасдан, улғайган даврида кучли намоён бўлмоқда ва ҳаттоки терининг ушбу патологик ҳолати асабий зўриқиш, депрессив ҳолатларга ҳам олиб келиши амалиётда кузатилган [1,3,8]. Теридаги инфильтратив - яллиғланиш ҳолати мураккаб иммун-генетик, нейроэндокрин бузилишлар асосида ҳамда ташқи атроф-муҳит омиллар таъсири остида намоён бўлиб, тери ҳолатининг pH муҳити, унинг экобиотасини ўзгариши билан яққол ифодаланади [2,4,10]. Бу ҳолат ўз навбатида муҳим тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб ҳисобланади. Ушбу касалликнинг ёш-ўсмирлар орасида тобора кўпайиши, унинг оғир шаклларининг ривожланиши беморлар орасида ҳамда тиббиёт амалиётида кўпгина саволларни туғдирмоқда.

Ҳуснбузар касаллигининг асосий маркери бўлиб тахминан 86-93% беморларда аниқланадиган факультатив анаэроблар Propionobacterium acnes ва Propionobacterium granulosumни ўсиши учун

қулай бўлган анаэроб шароитлар ҳисобланади [5,6,7,9]. Шу билан бир қаторда бошқа шартли-патоген микроорганизмларининг кўпайиши касалликнинг узоқ вақт давом этишига ва берилган даволаш муолажаларига резистентлик ҳолатини ривожланишига олиб келмоқда. Ушбу касалликни даволаш мақсадида кундан кунга янги дори воситалари ҳамда малҳамлар ишлаб чиқилишига қарамай, ушбу патологик ҳолат ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: Ҳуснбузар касаллигини даволашга инновацион ёндашув усулларини ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотимизда ҳуснбузар касаллигида тери микробиотаси ҳолатини ўрганиш мақсадида ёши 17 дан 28 ёшгача бўлган 51 нафар беморларда клиник-лаборатор таҳлиллари ўтказилди. Жинсига нисбатан 31 тасини – эркакларни ва 20 тасини – аёллар ташкил қилди. Беморларда ҳуснбузар ташхисининг клиник турларини G. Plewig ва M.A. Kligman (1993, 2000) таснифи бўйича касалликнинг оғирлик даражасини 1990 йилда Америка Дерматологлари Академияси томонидан ишлаб чиқилган таснифни қўллаш орқали аниқланган. Барча беморларда клиник, микробиологик ва статистик тадқиқот ишларини олиб борилди. Беморларда клиник текширишларда Plewig G., Kligman A.M. (1994) томонидан ишлаб чиқилган тасниф бўйича касалликнинг оғирлик даражасини аниқладик. Микробиологик текширув учун беморларнинг зарарланган терисидан патологик материални учига пахта ўралган стерил тампонни 0,85% ли натрий хлор эритмасига шимдирилиб ва 2 $см^2$ тери соҳасида суртиб олинади. Пахтали тампон яна пробиркага қайта солиниб, 2 дақиқадан сўнг керакли озиқ муҳитларга экилади. Микроорганизмлар соф колониясини олиш мақсадида 5% қонли агар, Эндо, Левин озиқ муҳитлари ҳамда маннит қўшилган тузли агар озиқ муҳитларига экилади ва 36,8^{o}C ҳароратда термостатда инкубация қилинади. Стафилококклар турининг колонизацияланиш ҳолатини баҳолашда Мавлянова Ш.З., Махсудов М.Р., (2022) томонидан ишлаб чиқилгаҳ лаборатор таҳлилидан фойдаланилди. Назорат гуруҳини 15 - 37 ёшгача бўлган 53 нафар соғлом кишилар ташкил этди. Олинган натижаларни Шапиро-Уилка критерияларни қўллаш асосида Statistika V.55A программаси ёрдамида таҳлил қилинди.

Натижа ва таҳлиллар

Ҳуснбузар беморларни терапиясида 2021 йилда “Дерматовенерология ва тиббий косметология бўйича диагностика ва даволаш стандартларига” мувофиқ касалликнинг оғирлик даражасини эътиборга олган ҳолда даволаш муолажалари буюрилди. Унда беморларга антибиотиклар, пробиотик, антиоксидант, гипосенсибилизацияловчи ҳамда кўрсатмага нисбатан антимикотик, ретиноид препаратлари, сиртқидан яллиғланишга қарши антибактериал, кератолитик малҳамлар, физиотерапивтик муолажалар (УФО, электрофорез ва б.) буюрилди.

Олинган клиник-микробиологик натижалари асосида ҳуснбузар касаллигининг қўшимча сиртқидан даволашда инновацион усули ишлаб чиқилди.

Бунда ҲБ беморлар терапиясида даволаш стандартларига асосан ташқи муолажаларни микроорганизм турларини, колонизацияланиш ҳолати ва уларнинг антибиотикларга бўлган сезувчанлигини эътиборга олган ҳолда мувофиқлаштиришга эришдик.

Патогенетик асосланган сиртқидан бериладиган муолажаларда антибиотикли топик малҳамлар буюриш билан бир қаторда яллиғланишга қарши ва бактериостатик хусусиятига эга бўлган юртимизда ишлаб чиқилган лойли ниқоб “фатидерм-м” косметик-даволаш маҳсулотини тавсия этдик.

Охирги йилларда дерматологик амалиётда пелоидтерапия, яъни таркибида микнерал ва микроэлемнтларга бой бўлган лойли ниқобларни тери касалликларида сиртқидан даволашда кенг ишлатилиб келмоқда. Ушбу хусусиятларини ўз ичига олган лойли ниқоб Ўзбекистоннинг ер конларидан олинган табиий дисперс арашмасидан иборатдир. Унинг таркибида руҳ, кобальт, магний минераллари, кальций, калий, бром тузлари, фаоллашган кремний суи (SiO_2 - 44,8 - 52 mg / l) ва бошқа фойдали минерал ва органик моддалар мавжуд. Лойли ниқобни ҳуснбузар билан касалланган беморларга кунига 1-2 маҳал антибиотикли малҳамларни суритишдан аввал 15-30 минут дақиқага юз терисига 10 кун мобайнида суритиш тавсия этилди.

Тери сиртқисидан ишлаб чиқарилган этиопатогенетик давонинг самарасини ўрганиш мақсадида ҲБ беморларини 3 та гуруҳга ажратилди: I - гуруҳ – 10 та бемор (клиник тури жиҳатидан папуло –пустулез шакли) ташкил қилди: уларга сиртқидан – антибиотик малҳамлар (стафилакокклар турига қараб) буюрилди. Антибиотик малҳамларни кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида суритиш тавсия этилди.

II – гуруҳ беморларга (11 нафар папуло-пустулез шакли ва 5 нафар – тугунли шакли) - сиртқидан топик антибиотик малҳамлар билан маҳаллий лойли ниқоб кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида суритиш тавсия этилди.

III – гуруҳ беморларга (10 нафар папуло-пустулез ва 5 нафар тугунли шакли) эса сиртқидан фақат лойли ниқоб кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида тавсия этилди.

Бундай муолажани ишлаб чиқишдан мақсади ҲБ беморлар терапиясида тизимли дори воситаларини ҳамда тизимли ва маҳаллий антибиотикларнинг дозасини камайтиришдан иборат бўлди.

Жадвал 1. ХБ беморларда сиртқидан яллиғланишга қарши муолажаларининг таққосланувчи гуруҳлари (абс).

I-гуруҳи назорат гуруҳи n=10	**II-Гуруҳ n=16**	**III-Гуруҳ n=15**
Топик антибиотик мал=амлар кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида	Топик антибиотик малҳамлар + лойли ниқоб кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида	Лойли ниқоб кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида

Барча беморларда сиртқидан буюрилган терапия самарасини баҳолаш мақсадида клиник ва микробиологик лаборатор текширишлар ўтказилди. (жадвал 2.)

Жадвал 2. ХБ беморларда сиртқидан буюрилган антибактериал ва яллиғланишга қарши (пелоидтерапия) муолажалари фонида теридаги патологик жараёнларидаги клиник кўрсаткичларининг сўрилиш динамикаси (куни)

Гуруҳлар	**Яллиғланиш камайиши**	**Инфильтрация сўрилиши**	**Шишиш йўқолиши**	**Йирингланиш Сўрилиши**
I	5-6	4-5	3-4	3-4
II	3	3	2	2-3
III	3	3-4	2	2-3

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, сиртқидан олиб борилган даволаш муолажалари фонида ҲБ беморларнинг теридаги патологик жараёнда сезиларли клиник ўзгаришлар кузатилди. I – гуруҳ беморларида сиртқидан фақатгина антибиотик топик малҳамларни олган ҳолатда теридаги яллиғланиш ҳолати даволанишнинг 5-6 кунларида сўрилди, инфильтрацияси эса – 4-5 кунларига ва шишиш ва йирингланиш жараёнининг камайиши 3-4 кунларида ифодаланди. Аксарият ҳолда, сиртқидан буюрилган топик антибиотик малҳамлар билан инновацион даволаш лойли ниқоб қўллаш мобайнида эса II- III гуруҳ беморларида эса ушбу симптомлар назорат гуруҳига нисбатан 2-3 кун илгари даврида ижобий равишда кузатилди.

Микробиологик лаборатор таҳлиллар шуни кўрсатдики, олиб борилган инновацион даволаш муолажалари теридаги патогенли микроорганизмларнинг колонизацияланиш ҳолатини ишонарли даражада камайтирди (жадвал 3).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, теридаги патологик жараёнда юқори колонизацияли патогенли стафилакокк микрофлораси анъанавий комплекс терапия фонида staphylococcus spp. сон жиҳатдан 1,5 маротабага кайиши кузатилди ва бу ишонарли кўрсаткични билдирди ($P< 0,05$). Бу ҳолат теридаги патогенли микроорганизмларининг колонизацияланиш ҳолатини ўрта даражага етиб борганлигидан далолат берди.

II - гуруҳ беморларда эса инновацион даво антибиотикли топик малҳамларни лойли ниқоб билан кетма-кетликда қўллаши шартли - патоген микроорганизмларининг колонизацияланиш ҳолатини сезиларли равишда 3,3 маротабага камайтирди ва колонизацияланиш ҳолатининг енгил даражасига олиб келди. ($P <0,05$).

Жадвал 3. ХБ беморларда сиртқидан буюрилган инновацион даволаш фонида теридаги патологик жараёнларидаги стафилококк микрофлорасининг микробиологик тавсифоти (КОЕ/см^2)

Гуруҳлар	Даволашдан олдин теридаги Staphylococcus spp. колонизацияси	Даволашдан кейин теридаги Staphylococcus spp. колонизацияси	P
I -гуруҳ N=10	54,8±1,3	36,2±0,6	< 0,05
II-гуруҳ N=16	55 ±1,3	16,7 ±0,6	< 0,05
III-гуруҳ N=15	56,4 ±1,1	23,9 ±0,5	< 0,05

P - даволашдан кейин бўлган ишончлилик кўрсаткичи ;

Илмий-тадқиқотимизда амалий инновацион лойли ниқобнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларини монотерапия сифатида (яъни антибиотик топик малҳамларни ишлатмасдан) III – гуруҳ беморларига тавсия қилдик. Микробиологик лаборатор таҳлиллар шуни кўрсатдики, инновацион лойли ниқобнинг ҲБ беморларда яллиғланган тери жараёнига ишлатилиши микрооргазмларнинг колонизацион ҳолатини 2,4 маротабага камайтирди ва бу ҳолат инновацион миннераллашган лойли ниқобнинг бактериостатик хусусиятини яққол ифодалаб берди ва олинган натижалар статистик ҳаққоний равишда ифодаланди (P<0,05).


ҲБ беморларда сиртқидан буюрилган муолажаларни самарсини кўтариш мақсадида дермотологик гигиеник кийим “dermodess” ишлатиш тавсия этилди.

(DERMADESS) - рубашка, нафас оладиган, бардошли, енгил гипоаллерген, ҳамда фойдали минераллар ва қуруқ қолдиқ таркибидаги қуйидаги муҳим элементлар - SiO2 камида - 94,6%, MnO камида - 0,16%, MgO камида - 1,23% %, K2O – камида 0,22%, шунингдек , Ft, Cu, Zn, Se (IAP 2017 0152; IAP 20190217) билан сингдирилган тўқилмаган полипропилен (спанбонд) материллардан тайёрланган кийим бўлиб, уни беморларга ташқи муолажаларида малҳам ёки инновацион лойли ниқоб суритилгандан кейин 30 минут дан 2-3 соатгача ҳар куни даволаниш жараёнида 10 кун кийиш тавсия этилди. Мувофиқлик сертификати: Uz.SMT.01.0022.67871577 от 24.08. 2021 й.





Фото. Ҳуснбузар касаллигининг сиртқидан дерматологик кийим “dermodess” қўллаш орқали инновацион даволаш усули .



Расм 2. Тери pH ҳолатининг анъанавий ва инновацион даволаш усулларидаги таққослама тавсифоти (бал)

Ушбу диаграммадана кўриниб турибки, анъанавий сиртқидан берилган даво муолажалари терининг pH ҳолатини 1,1 мортабага камайтирди, унда инновацион даволаш муолажаси эса тери pH ҳолатини 1,3 ва 1,2 маротабага камайтирганлиги қайд этилди (P<0,05).

Олиб натижалар шуни кўрсатмоқдаки, сиртқидан ишлаб чиқарилган инновацион усули даво самарасини 57,6% ва 69,6% гача кўтарди, аксарият ҳолда анъанавий сиртқидан берилган топик антибиотикларни ишлатилиши терапия самарасини 33,9% ни билдирди.



Фото 6 (а,б.в.г) Бемор. Т. 29 ёш. ХБ. Оғир папуло-пустулез ва тугунли шакли. Пелоидоретарпия (инновацион лойли ниқоб) нинг 3-чи даво куни.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарилган инновацион сиртқидан берилган даво муолажалари – антибиотикли топик малҳам билан кетма - кетликда инновацион лойли ниқоб ва дерматологик кийим “dermodess” ларни ҲБ касалликларида ишлатиш теридаги патологик жараёнини сезиларли даражада камайтирди ва даволаш самарасини 69,6% га кўтарди. Ушбу инновацион даволаш муолажасини ҳуснбузар касаллигини сиртқидан даволашда кенг тармоқда ишлатиш тавсия этилади. Ҳуснбузар беморларда тери патологик ўчоқларида микробиологик лаборатор таҳлиллари – тери микробиотасини (микроорганизмларнинг турини ва колонизацион даражасини ҳамда антибиотикларга бўлган сезувчанликни) даволашдан олдин ва кейин (10 кундан кейин) текшириш олиб бориш тавсия этилади.

Хулоса

1. Сиртқидан берилган даво самарасини кўтариш мақсадида топик антибиотик малҳамлари билан кетма-кетлигида инновцион лойли ниқоб “фатидерм-м”ни кунига 2 маҳал дерматологик кийим “dermodess” билан биргаликда 10 кун мобайнида ишлатиш тавсия этилади.
2. Тери pH ҳолатини ҳамда микробиота ҳолати балансини ушлаб туриш мақсадида ва ҳуснбузарнинг профилактикаси сифатида инновацион лойли ниқобни ҳафтасига 2-3 марта 15-30 минут дақиқагача терига суритиш ва сўнгра ванна ёки душ қабул қилиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Адаскевич В.П. Акне и розацеа. – С.Петербург: «АНТГ-Принт», 2000;130.
2. Азимова Ф.В. Кларитромицин ("Клабел") в терапии розовых угрей. // Дерматовенерология и эстетическая медицина. - Ташкент, 2009;2:103-104.
3. Аравийская Е.Р. Современный взгляд на лечение акне: состояние проблемы и новые возможности. // Ж. Лечащий врач. — М. 2003;4:4-6.
4. Исанбаева Р.И. Разработка комплексного метода лечения угревой болезни с учетом состояния вегетативной нервной системы, эндокринного статуса и микробиоценоза кишечника. – / автореф. диссертации на соискание ученой степени канд. мед. наук. – Ташкент., 2008; 24.
5. Зарипова Д.Я., Туксанова Д.И., Негматуллаева М.Н. Особенности течения перименопаузального перехода женщин с ожирением. // Новости дерматовенерологии и репродуктивного здоровья. 2020;1-2:39-42.
6. Корнева Л. В. Иммунотропная терапия в комплексном лечении тяжелых форм вульгарных угрей. / Автореферат канд. дисс. – Москва. 2007; 24.
7. Мавлянова Ш.З., Хакимов Д.Р., Есионова Е.В. К вопросу микогенной сенсибилизации у больных кожными заболеваниями // Дерматовенерология и эстетическая медицина. - Ташкент, 2012; 1-2(14):30-34.
8. Abdullaeva M.A., Kosimova D.S. Evalution of the quality of life of patients with cirrhosis after surgical prevention of bleeding from varicoseveins of the esophagus // International journal for innovative engineering and management research 2020;9(11):185-189. Hindustan
9. Thielitz A., Gollnick H. Systemische aknetherapie / A. Thielitz, H. Gollnick // Dtsch. Dermatol. Ges. 2005;3:366-378.
10. Webster G.F. Acne vulgaris / G.F. Webster // Br. Med. J. 2002;325:475-487.

Қабул қилинган сана 20.03.2023

Received: 20.03.2023, Accepted: 25.03.2023, Published: 15.04.2023.

УДК 618.11-008.65

ТУХУМДОН ПОЛИКИСТОЗИ СИНДРОМИ БЎЛГАН АЁЛЛАРДА ТУХУМДОН СТИМУЛЯЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Курбаниязова Мадина Зафаржановна https://orcid.org/0000-0001-9082-2865
Дусчанова Зайнаб Атабаевна https://orcid.org/0009-0004-5394-6163

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ ***Резюме***

Муаллифлар ПСОСли кломифен цитратга чидамли бепушт аёлларда летрозол ва кломифен цитратнинг инсоннинг менопаузадаги гонадотропини (оМГ) билан биргаликда самарадорлигини баҳоладилар.

оМГ билан комбинация кломифен цитратга чидамли поликистик тухумдон синдроми бўлган аёлларда энг самарали усуллардан бири бўлиб, тухумдонларнинг гиперстимуляция синдроми ва кўп ҳомиладорлик каби асоратларни олдини олади.

Калит сўзлар: поликистик тухумдон синдроми, кломифен цитратга чидамлилиги, летрозол, кломифен цитрат, тухумдонларнинг гиперстимуляция синдроми, инсоннинг менопаузадаги гонадотропини (оМГ).

УЛУЧШЕНИЕ СТИМУЛЯЦИИ ЯИЧНИКОВ У ЖЕНЩИН С СИНДРОМОМ ПОЛИКИСТОЗА ЯИЧНИКОВ

Курбаниязова М.З., Дусчанова З.А.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Узбекистан

✓ ***Резюме***

Авторами была оценить эффективность летрозола и кломифен цитрата в комбинации с человеческим менопаузальным гонадотропином (чМГ) у резистентных к кломифен цитрату бесплодных женщин с СПКЯ.

Комбинации с чМГ является одним из наиболее эффективных методов у женщин с синдромом поликистозных яичников, резистентных к кломифен цитрату, и предотвращает такие осложнения, как синдром гиперстимуляции яичников и многоплодная беременность.

Ключевые слова: синдром поликистозных яичников, резистентность к кломифенцитрату, летрозол, кломифена цитрат, синдром гиперстимуляции яичников, менопаузальный гонадотропин человека (чМГ).

IMPROVEMENT OF OVARIAN STIMULATION IN WOMEN WITH POLYCYSTOSIS OVARIAN SYNDROME

Kurbaniyazova M.Z., Duschanova Z.A.

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

✓ ***Resume***

The authors evaluated the efficacy of letrozole and clomiphene citrate in combination with human menopausal gonadotropin (hMG) in clomiphene citrate-resistant infertile women with PCOS.

Combination with hMG is one of the most effective methods in women with clomiphene citrate resistant polycystic ovary syndrome and prevents complications such as ovarian hyperstimulation syndrome and multiple pregnancies.

Keywords: polycystic ovary syndrome, clomiphene citrate resistance, letrozole, clomiphene citrate, ovarian hyperstimulation syndrome, human menopausal gonadotropin (hMG).

Долзарблиги

Гонадотропинлар бепуштлик ва тухумдонлар поликистикози синдроми бўлган кломифен цитрат (КЦ)га резистент аёлларда овуляция индукцияси учун қўлланилиб келинмоқда, аммо бу тухумдонлар гиперстимуляция, яъни кўп фолликулаларнинг ривожланишига олиб келган. Тухумдонлар гиперстимуляцияси синдроми оғир асорат бўлиб, даволаш самарадорлигини ва аёлларнинг ҳаёт сифат кўрсаткичини пасайишига, ҳатто аёлларни реанимацион ёрдамга муҳтож қилган [1,5].

Тухумдонлар поликистози синдроми (ТПКС) ановулятор бепуштликнинг келиб чиқишида асосий сабаблардан бири бўлиб, репродуктив ёшдаги аёллар ичида 5-10% ни ташкил қилади. Тухумдонлар стимуляцияси 60 йилдан ортиқ вақт мабойнида ўтказилиб келинмоқда ва бунинг учун асосий дори сифатида КЦ қўлланилмоқда. КЦ тўқима ва ҳужайралардаги эстрогенга сезгир рецепторларни блоклайди. КЦ қабул қилган аёлларда овуляция кўрсаткичи юқори бўлишига қарамай, ҳомиладор бўлиш частотаси анча паст, бу унинг эндометрийга ва бачадон бўйни шиллиғига бўлган антиэстроген таъсири оқибатидир. Ўртача ТПКС бўлган аёлларнинг 25% кломифен цитратга чидамли [7].

Сўнгги йилларда тухумдон стимуляцияси учун КЦга муқобил бўлган ароматаза ингибитори летрозол кенг қўлланилмоқда [2,3,9].

Летрозол ароматаза ингибитори бўлиб, андрогенни эстрогенга айланишига тўсқинлик қилади. Шу туфайли организмда эстроген танқислиги юзага келиб, гипоталамусда фоллиберин стимулланади ва гипофизда ФСГ кўп ишлаб чиқарилади. Унинг қондаги концентрацияси ошиши туфайли тухумдонда фолликулогенез стимулланади. Летрозол овуляция индуксияси учун оптимал восита ҳисобланади, чунки у марказий ва периферик тўқималарда эстроген рецепторларини блокламайди, эндометрий ва бачадон бўйни шиллиқ қаватига салбий таъсир кўрсатмайди. Одатда якка фолликула ўсиши овуляцияга олиб келади, бу ўз навбатида тухумдон гиперстимуляциясини олдини олади [5,6].

Табиий фертилликни тиклаш мақсадида КЦ ни қўллаш оқибатида фолликула ўсиши содир бўлмаса ёки ҳомиладорлик бўлмаса, гонадотропин препаратларига ўтилади [6,7]. Охирги 10 йил давомида гонадотропинларни паст дозалардан бошлаб босқичма-босқич дозани ошириб бориш схемаларида “Step up” қўлланилади, яъни 37,5ХБ дан бошлаб Мах 150ХБгача. Лекин фақат табиий фертилликни тиклаш мақсадида гонадотропинларни қўллаш кўплаб фолликулаларни ўсиши ва унинг натижасида индукция циклини тўхтатиб қўйиш, тухумдонлар гиперстимуляцияси синдромига ва кўп ҳомилали ҳомиладорлик каби асоратларга олиб келади.

Тадқиқотларга кўра, КЦни оМГ билан комбинацияда қўллаш фақат оМГни ўзини қўллашдан кўра самарали бўлиб, монофолликула ўсишига олиб келади. Лекин летрозол ва оМГ комбинацияси индукцияси фолликула ўсиши, овуляция частотасига кўра КЦ оМГдан қолишмайди, аммо ҳомиладорлик кўрсаткичи юқори бўлиб, у КЦнинг антиэстроген таъсирига боғлиқ [2,4,8].

Тадқиқот мақсади: оМГ билан комбинация кломифен цитратга чидамли поликистик тухумдон синдроми бўлган аёлларда энг самарали усуллардан бири бўлиб, тухумдонларнинг гиперстимуляция синдроми динамик ўзгаришини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Тадқиқод аввалида 110 нафар тухумдон поликистози синдроми бўлган бепуштлиги бор аёллар текширилди, шулардан Кломифен цитратга резистентлиги бўлган жами 60 нафар аёллар 3 гуруҳга ажратилди: I гуруҳ (n=26) летрозол + оМГ; II гуруҳ (n=21) КЦ + оМГ ва III гуруҳ (n=13) фақат оМГ берилган аёллар гуруҳи. I ва II гуруҳ аёллари цикл давомида бир хил схемада

даволандилар. 5 кун давомида КЦ ёки летрозол қабул қилишди. Барча беморларга доминант фолликула етилгунча 75 ХБ оМГ кун ора қилинди. III гуруҳ аёлларига гонадотропин паст дозадан бошлаб ошириб борувчи “step up” схемада берилди.

ТПКС ташхиси Роттердам критериялари асосида, яъни қуйидаги 3та белгидан камида 2таси мавжуд бўлган аёлларга қўйилди. Бу белгилар қуйидагилар: олигоменорея ёки аменорея, клиник ва/ёки лабаратор гиперандроген ҳолат ва тухумдонлар поликистози.

Агар 5 кун давомида 100 мг КЦ қабул қилган аёлларда фолликула ўсиши ёки ҳомиладорлик 3 цикл давомида кузатилмаса КЦга резистентлик деб ҳисобланди. Тадқиқот мезонларига қуйидагилар киради: ТПКС бор КЦга резистент бўлган 38 ёшгача аёллар, кичик чаноқ аъзоларида ҳеч қандай жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган, тана вазни индекси нормада, яъни 18-25гача бўлган, спермограмма БЖССТ мезонлари бўйича фертил бўлган, анамнезида олдин гонадотропин қўлланилмаган аёллар.

Тадқиқот мезонларига қуйидагилар кирмайди: ановулятор тухумдон поликистози бор беморлардан ташқари барча ановулятор бепуштлик турлари, най-перитониал бепуштлик, эркаклар бепуштлиги, тухумдонлар етишмовчилиги ва ўсмалари, эндометриоз.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқотда иштирок этган барча беморлардан розилик олинган. Тадқиқотда клиникага мурожаат қилган беморлар олинди, улар анамнезидан бир неча марта кломифен цитрат билан индуцирланган ёки биринчи марта мурожаат қилиб келган ва 3 цикл давомида Кломифен цитратга фолликулалр ўсиши билан жавоб бермаган, ҳомиладорлик содир бўлмаган жами 60 нафар инфертил аёллар олинди. Резистентлиги бўлган беморларда овуляция стимуляцияси одам менопаузал гонадотропини билан, ёки унинг кломифен цитрат ва летрозол билан комбинацияси асосида олиб борилди. Летрозол ёки кломифен цитратни танлаш даволовчи врач ҳоҳишига боғлиқ ҳолда танланди, препаратни танлаш учун алоҳида критерия йўқ. Кломифен цитрат резистентлиги аниқланган 60 нафар бемордан 26 нафарига Летрозол ва оМГ комбинацияси қўлланилди; 21 нафар беморда КЦ+ оМГ комбинацияси ишлатилди; 13 нафар аёлга фақат одам менопаузал гонадотропини қўлланилди. Биринчи гуруҳда Летрозол 2.5 мг кунига 2 маҳал, Кломифен цитрат 50мг кунига 2 таблетка (100мг) 5 кун давомида ҳайз циклининг 3-кунидан 7-кунигача қўлланилди ва 7 - кунидан бошлаб кун ора 75ХБ оМГ қўлланилди токи доминант фолликул диаметри 18 мм бўлганча. Учинчи гуруҳдаги аёлларга овуляция индукцияси ҳайз циклининг 3-кунидан 37.5 ХБ дозадан бошлаб “step up ” режимида ўтказилди, оМГ нинг максимал дозаси 150 ХБ дан ошмади. Доминант фолликул ўлчами 18-24 ммга етганда овуляция триггери қўлланилди. Фолликулометрия трансвагинал ультратовуш текшируви орқали олиб борилди ва доим бир муттахассис ва шу аппаратда бажарилди. Доминант фолликул етилиши билан уларнинг сони, диаметри 14мм ва ундан ортиқ бўлган фолликулалар саналди, қондаги эстроген миқдори, VEGF миқдори аниқланди. Агар 2 кун давомида фолликул ўсиши 0.5мм дан кам бўлса, гонадотропин дозаси 37.5 ХБ оширилди. Агар фолликул ўсиши кунига 1мм бўлса оМГ шу ХБ дозада сақланди. Ва уларнинг кўрсаткичлари асосида тухумдонлар гипертимуляциясини олдини олиш учун индивидуал овуляция триггери танланди. Овуляция триггерини қўллагач 24-36 соатдан сўнг жинсий яқинлик тавсия қилинади, 2-3 кун давомида. Овуляцияни тасдиқлаш учун триггерни қўллагач 2 кундан сўнг трансвагинал УТТ ўтказилади. Сариқ тана кўрингач ҳайз циклини 2 чи фазасини ушлаб туриш мақсадида 200 мкг микронизирланган прогестерон 2 маҳал берилди. Ҳомиладорлик - овуляциядан сўнг 21 куни УТТ да ҳомила пуфаги кўрингач тасдиқланди. Агар бирдан ортиқ ҳомила аниқланилса кўп ҳомилали ҳомиладорлик деб баҳоланди.

Тадқиқот якунида қуйидагилар баҳоланди:1) Овуляция частотаси (триггер лидер фолликул 18мм га етганда қилинди);

2) диаметри 14мм ва ундан ортиқ бўлган фолликулалар сони (триггер қўллайдиган куни саналган);

3) Триггер қўлланилган кундаги зардобдаги эстрадиол ва VEGF миқдори;

4) муваффақиятсиз цикллар сони: а) фолликула ўсмади; б) овуляция бўлмаган фолликул лютеинизацияси; в) тухумдонлар гиперреакцияси;

5) индукция цикли давомида сарфланган одам менопаузал гонадотропиннинг миқдори (ХБ);

6) ҳомиладорлик частотаси, шу жумладан кўп ҳомилали ҳомиладорликлар частотаси;

7) тухумдор гиперстимуляцияси синдроми ривожланганлар сони ва қайси гуруҳда эканлиги.

Натижалар: Барча аёларда эрта фолликуляр фазада ФСГ, ЛГ, АМГ, эстрадиол (Е2), умумий тестостерон, эркин тестостерон, кортизол, ДГЭАС, ПРЛ, ТТГ, эркин Т4, АТ ТПО, VEGF, трансвагинал ультратовуш текшируви орқали тухумдондаги антрал фолликулалар (3-9мм) сони аниқланди.

Статистик таҳлил учун Стьюдент мезонидан фойдаланилди. $p<0,05$ статистик аҳамиятли ҳисобланди. Монофолликула етилишидан дарак берувчи предикторларни аниқлаш мақсадида аёлнинг ёши, тана вазни индекси, ҳайз циклининг характери, эркин тестостерон миқдори, ЛГ/ФСГ нисбати, антрал фолликулалар сони, инсулинга резистентлик индекси (HOMA-IR) ва параметрларнинг даволаш давомийлигига бўлган таъсири таҳлил қилинди.

Кломифен цитратга резистент 60 нафар беморда стимуляция цикли ўтказилди. Шулардан 6 нафарида тухумдон гиперстимуляцияси хавфи бўлганлиги сабабли одам хорионик гонадотропини қилинмади, унинг ўрнига триггер сифатида Декапептил 0.2 дозада тери остига юборилди. оМГ ХБ нинг қўлланилган умумий миқдори биринчи ва иккинчи гуруҳда (летрозол + оМГ ва КЦ + оМГ) учинчи группага нисбатан (фақат оМГ) анча кам сарфланди ($p < 0,05$). Аммо биринчи ва иккинчи гуруҳда бу фарқ сезиларли бўлмади. Овуляция частотаси биринчи гуруҳда 18 та аёлда (69,2%), иккинчи гуруҳда 14 та аёлда (66.7)% ва учинчи гуруҳда 8 та аёлда (61.5) % бўлиб улар орасидаги фарқ сезиларли бўлмади.

Монофолликуланинг етилиши биринчи гуруҳда 84.6%, иккинчи гуруҳда 66.7% ва учинчи гуруҳда 53.8% бўлиб, биринчи гуруҳда (Летрозол+ оМГ) қолган гуруҳларга нисбатан юқори бўлди ($p < 0,05$). Ўсаётган фолликулалар сони (диаметри 14мм дан юқори) ва тухумдонлар гиперреакцияси туфайли циклни тўхтатиб қўйиш частотаси биринчи гуруҳда энг паст бўлди. Триггер қўлланилган куни зардобдаги эстрадиол миқдори биринчи гуруҳда, қолган гуруҳларга нисбатан паст бўлди.

Биринчи гуруҳда, қолган гуруҳларга нисбатан кўп ҳомилали ҳомиладорлик кузатилмади. Иккинчи гуруҳда 1 та, оМГ гуруҳида 4 та кўп ҳомилали ҳомиладорлик кузатилди. оМГ гуруҳида енгил даражали ТГС колган гуруҳларга нисбатан кўпроқ учради. Биронта гуруҳда ҳам уч эгизли ҳомиладорлик ва бачадондан ташқари ҳомиладорлик кузатилмади.

Муҳокама: Бу тадқиқод натижаси шуни кўрсатдики кломифен цитратга резистент бўлган аёлларда, летрозол+оМГ қўлланилган гуруҳда стимуляция кунлари давомийлиги, оМГ умумий миқдори, монофолликула ўсиши, ТГС синдроми ва кўп ҳомилали ҳомиладорлик ривожланмаганлиги бу протоколни бошқалардан устунлигини кўрсатди. Бу айниқса тухумдон гиперстимуляцияси ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳидаги аёлларга энг қулай ҳисобланади.

ТПКС бўлган кломифен цитратга резистент тана вазни нормал бўлган аёлларда монофолликулани ўстириб овуляцияга эришиш ва ўз навбатида ТГС билан кўп ҳомилали ҳомиладорликни четлаб ўтиб табиий фертилликни тиклаш овуляция стимуляциясининг асосий мақсадидир.

Ушбу натижалар летрозолнинг ТПКС билан касалланган аёлларда монофолликуляр овуляцияни тиклашдаги асосий афзалликларига мос келади. Летрозол оғиз орқали қабул қилингандан сўнг тўлиқ сўрилади, ўртача ярим умри 45 соатни ташкил қилади, кломифен цитрат эса узоқ вақт сақланади зардобда ва кейинчалик фолликулаларни ўсиб ҳомиладорлик содир бўлишига халақит беради.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни аниқландики, оМГ билан летрозол комбинациясини қўллаш стимуляция давомийлигини ва стимуляция учун ишлатиладиган оМГ ХБнинг миқдорини камайтириб беради. Ўз навбатида бу протокол монофолликула ўсишини таъминлаб тухумдонлар гиперстимуляцияси синдроми ва кўп ҳомилали ҳомиладорлик каби овуляция индукцияси асоратларини олдини олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Адамян Л.В., Андреева Е.Н., Абсатарова Ю.С., Григорян О.Р., Дедов И.И., Мельниченко Г.А., Сутурина Л.В., Филиппов О.С., Шереметьева Е.В., Чернуха Г.Е., Ярмолинская М.И. Клинические рекомендации "Синдром поликистозных яичников". *Проблемы Эндокринологии*. 2022;68(2):112-127. https://doi.org/10.14341/probl12874

2. Доброхотова Ю. Э., Матризаева Г.Д., Курбаниязова М.З., Дусчанова З.А., Сапарбаева Н.Р., Икрамова Х.С. Евразийский вестник педиатрии, 2020;2(5):43-49 [Dobroxotova Yu. E'., Matrizaeva G.D., Kurbaniyazova M.Z., Duschanova Z.A., Saparbaeva N.R., Ikramova X.S. Evrazijskij vestnik pediatrii, 2020;2(5):43-49]. https://cutt.ly/DveOv0M;
3. Goodman NF, Cobin RH, Futterweit W, Glueck JS, Legro RS, Carmina E; American Association of Clinical Endocrinologists (AACE); American College of Endocrinology (ACE); Androgen Excess and PCOS Society. American Association of Clinical Endocrinologists, American College Of Endocrinology, And Androgen Excess and Pcos Society Disease State Clinical Review: guide to the best practices in the evaluation and treatment of polycystic ovary syndrome - part 2. // Endocr Pract. 2015 Dec;21(12):1415-26.
4. Zafarjanovna, Kurbaniyazova Madina, and Bekbauliyeva Gulistan Niyetbayevna. "Optimization of ovulation induction methods in infertil women with PCOS." // *In Euro-Asia Conferences*, 2021;1(1):158-162.
5. Zafarjanovna, Kurbaniyazova Madina, Bekbauliyeva Gulistan Niyetbayevna, and Duschanova Zaynab Atabayevna. "Optimization of Ovulation Induction in Clomifene Resistant Patient with Infertility." // *Biomedical Journal of Scientific & Technical Research* 2021;39(2):31257-31259.
6. Zafarjanovna K.M., Niyetbayevna B.G., Rakhimbayevna S.N., Tulibayevna R.D., Pirzhanova I.N. Optimization of treatment for women with infertility. *International Journal of Health Sciences*, 2022;6(S2):94-99. https://doi.org/10.53730/ijhs.v6nS2.4977
7. Rotterdam ESHRE/ASRM-Sponsored PCOS consensus workshop group. Revised 2003 consensus on diagnostic criteria and long-term health risks related to polycystic ovary syndrome (PCOS). Hum Reprod. 2004;19(1):41-47.
8. Zeinalzadeh M., Basirat Z., Esmailpour M. Efficacy of letrozole in ovulation induction compared to that of clomiphene citrate in patients with polycystic ovarian syndrome //The Journal of reproductive medicine. 2010;55(1-2):36-40.
9. Franik S., Eltrop S.M., Kremer J.A., Kiesel L., Farquhar C. Aromatase inhibitors (letrozole) for subfertile women with polycystic ovary syndrome. // Cochrane Database of Systematic Reviews. 2018; doi:10.1002/14651858.cd010287.pub3

Ушбу илмий тадқиқотда молиявий ёки реклама мақсадисиз олиб борилган илмий ишлар натижаси келтирилган.

Қабул қилинган сана 20.03.2023

Received: 20.03.2023, Accepted: 25.03.2023, Published: 15.04.2023.

UO'T 618.11-006.2-07:618.177-089

TUXUMDONLAR POLIKISTOZI SINDROMINI XIRURGIK DAVOLASHDA BEPUSHTLIK DAVOMIYLIGINING AHAMIYATI

Rajabova Gulzoda Oybekovna https://orcid.org/0009-0000-3422-3227

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali O'zbekiston, Xorazm viloyati, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi 28-uy Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ ***Rezyume***

Tadqiqot xulosasiga ko'ra, txumdonlar polikistozi sindromi bilan bepushtlikni davolash samaradorligi bemorning yoshiga, kasallikning klinik va gormonal xususiyatlariga, tayyorgarlik terapiyasining yetarliligiga, ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish sxemasini to'g'ri tanlashga bog'liq.

2008 yilda Salonikida qabul qilingan tug'ilishni tiklash bo'yicha konsensusga ko'ra, jarrohlik davolash usulini tanlash anovulyatsiya davomiyligi va tuxumdonlar hajmiga bog'liq bo'lishi kerakligi aniqlandi.

Kalit so'zlar: bepushtlik, kauterizatsiya, fertillik, tuxumdonlar polikistozi sindromi

THE SIGNIFICANCE OF THE DURATION OF INFERTILITY IN THE SURGICAL TREATMENT OF POLYCYSTIC OVARY SYNDROME

Rajabova G.O.

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

✓ ***Resume***

According to the conclusion of the study, the effectiveness of infertility treatment with polycystic ovarian syndrome depends on the patient's age, clinical and hormonal characteristics of the disease, the adequacy of preparatory therapy, and the correct selection of the ovulation stimulation scheme.

According to the 2008 Thessaloniki consensus on fertility restoration, it was determined that the choice of surgical treatment should depend on the duration of anovulation and the size of the ovaries.

Key words: infertility, cauterization, fertility, polycystic ovary syndrome

ЗНАЧЕНИЕ ДЛИТЕЛЬНОСТИ БЕСПЛОДИЯ В ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ СИНДРОМА ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ

Ражабова Г.О.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Узбекистан

✓ ***Резюме***

По заключению исследования, эффективность лечения бесплодия при синдроме поликистозных яичников зависит от возраста пациентки, клинико-гормональных особенностей заболевания, адекватности подготовительной терапии, правильного выбора схемы стимуляции овуляции.

Согласно Салоникскому консенсусу 2008 г. по восстановлению фертильности определено, что выбор оперативного лечения должен зависеть от продолжительности ановуляции и размера яичников.

Ключевые слова: бесплодие, прижигание, фертильность, синдром поликистозных яичников.

Dolzarbligi

Tuxumdonlar polikistozi sindromi (TPKS) - reproduktiv yoshdagi ayollarda eng ko'p uchraydigan endokrin kasallikdir. Insulinrezistentlik, erkin yog ' kislotalarining ko'payishi va semirish TPKS bilan og'rigan ayollarda metabolik disfunksiyani keltirib chiqaradigan asosiy omillardir. Ayollarning 10% dan ortig'i TPKS dan aziyat chekadi, bu ovulyatsiya disfunksiyasi, androgenlarning yuqori klinik darajasi va polikistotik tuxumdonlar bilan tavsiflanadi [1]. TPKS bilan og'rigan bemorlarni davolashning maqsadi: tana vazni va metabolik buzilishlarni normallashtirish, hayz ko'rish va reproduktiv funksiyani tiklash, TPKS bilan bog'liq assotsirlangan kasalliklar profilaktikasidir [1]. Shu bilan birga, bepusht ayollarni TPKS bilan davolashda asosiy maqsad ovulyator siklni tiklashdir. Turli xil konservativ davodan so'ng homiladorlik kuzatilmasa va ovulyatsiyani rag'batlantirish samarasiz bo'lsa, bemorlarga xirurgik davo qo'llaniladi. 2008 yilda Salonikada qabul qilingan fertillikni tiklash bo'yicha konsensusga ko'ra, xirurgik davolash usulini tanlash anovulyatsiya davomiyligi va tuxumdonlar hajmiga bog'liq bo'lishi kerak [2].


Tadqiqot davomida Xorazm viloyati perinatal markazi konsultativ poliklinikasi va "Sarvinoz medservis" xususiy klinikasida 2019-2021 yillar davomida TPKS bilan murojaat qilgan 90 nafar ayol o'rganildi. Prospektiv tadqiqotda Shteyn-Levental sindromi bilan og'rigan 70 nafar bepusht ayollar o'rganildi, nazorat guruhi reproduktiv yoshdagi 20 nafar muntazam ovulyatsiya sikli bo'lgan ayollardan iborat. Shundan asosiy guruhga kiruvchi ayollar davolash usullariga ko‘ra 3 kichik guruhlarga bo‘lindi.

Birinchi guruh- (n-25) KOK qo‘llash usuli bilan antiandrogen ta’sir ko‘rsatish kamida 3 oy muddatida va medikamentoz preparatlarini ko‘llash natijasida follikulogenezni ta’minlash.

Ikkinchi guruh - (n-20) KOK 3-6 oy qo‘llangandan keyin tuxumdonlarga laporoskapiya usulida tuxumdonlar dekortikatsiyasi, rezeksiyasi yoki kauterizatsiyasi jarroxlik aralashuvini o‘tkazish.

Uchinchi guruh - (n-25) tayyorgarliksiz jarroxlik amaliyotini o‘tkazganlar.

Hozirgi vaqtda tuxumdonlar polikistozi sindromi uchun endoskopik operatsiyalarning bir nechta turlari taklif qilingan, ularning samaradorligi, ko‘plab shifokorlarning fikriga ko‘ra, taxminan bir xil va generativ funksiyani amalga oshirgandan so‘ng, kasallikning qaytalanishi qayd etilgan. Biroq, bu tadqiqotlarda endoskopik jarrohlikning u yoki bu usulini tanlashda tuxumdonlar polikistozi sindromining endokrin-metabolik va klinik-morfologik xususiyatlarini hisobga olgan holda differensiallashgan yondashuv mavjud emas. Shunday qilib, reproduktiv funksiyani barqaror tiklashga olib keladigan tuxumdonlar polikistozi sindromining klinik va morfologik xususiyatlarini hisobga olgan holda endoskopik operatsiyalar uchun samarali texnikani tanlash muammosi mavjud [3]. Hozirgi kunda qo'llanilayotgan asosiy usullar tuxumdonlar laparoskopik kauterizatsiyasi va laparoskopik ponasimon rezeksiya hisoblanadi. Ovulyatsiyani stimulyatsiyalashda kauterizatsiyaning patofiziologik mexanizmi stromani nuqtali elektrod bilan butunligini buzishga, ponasimon rezeksiya esa tuxumdonlar steroid ishlab chiqaruvchi stromasining hajmini kamaytirishga asoslangan [2]. Uzoq muddatli natijalarni baholashda Amer va hammualliflari hayz ko'rish, reproduktiv funksiyaning tiklanishi va endokrin buzilishlarning normallashishi (LG, testosteron, androstendion va erkin androgen indeksining qon zardobdagi kontsentratsiyasining sezilarli darajada pasayishi) tuxumdonlarning laparoskopik kauterizatsiyasidan so'ng TPKS bo'lgan ko'pchilik ayollarda 9 yil davom etishini aniqladilar [2].



Rasm 1. Guruhlararo bepushtlik davomiyligiga ko'ra reproduktiv faoliyat tiklanishi

Kuzatilayotgan guruhlarda bepushtlik davomiyligiga ko’ra reproduktiv faoliyat tiklanishi: A guruhda 1-3 yilgacha 48% ayolda bepushtlik kuzatilgan, davodan keyin ularning 20 %ida, 3-5 yilgacha bepushtligi bo’lgan 44%idan 12% ayolda 5 yildan ko’p bo’lgan 8% ayoldan 4%ida homiladorlik kuzatildi. B guruhdagi ayollarda 1-3 yil bepushtlik 25% bo’lib, shundan 20% hollarda, 3-5 yil oralig’idagi 40% ayolning 25%ida, 5 yildan ortiq bepushtligi bo’lgan 35% ayoldan 10%ida fertillik tiklandi. Faqatgina laparoskopiya amaliyotiga kirgan C guruh ayollarida homiladorlik boshqa guruhlarga nisbatan past bo’ldi [3].

Xulosa

TPKS bilan bepushtlikni davolash samaradorligi bemorning yoshiga, kasallikning klinik va gormonal xususiyatlariga, tayyorgarlik terapiyasining yetarliligiga, ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish sxemasini to'g'ri tanlashga bog’liq. Ikkininchi qator terapiya bo’lgan jarrohlik usulini tanlashda bepushtlik davomiyligi va tuxumdon hajmi katta ahamiyatga ega. Tuxumdonlar hajmi 18 sm3 dan katta va bepushtlik davomiyligi 5 yildan ortiq bo’lgan bemorlarga tuxumdonlar ponasimon rezeksiyasi o’tkazilishi maqsadga muvofiq. Bepushtlik 5 yilgacha va tuxumdonlar hajmi 18 sm3 gacha bo’lganda ikkala tomon uxumdonlar kauterizatsiyasi tavsiya qilinadi.

ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Артымук Н.В., Тачкова О.А. Новое о патогенезе и лечении синдрома поликистозных яичников. // Русский медицинский журнал 2021.
2. Овчаренко Д.В. Выбор метода хирургического лечения бесплодия при синдроме поликистозных яичников. Афвтореферат диссертация D.м.н. M. 2021.
3. Matrizayeva G.D., Rajabova G.O. Shteyn – levental sindromi bilan kasallangan bemorlarni reproduktiv faoliyatini tiklashda xirurgik va konservativ terapiyaning o’rni. / Avtoreferat Dissertatsiya TMA 2022.
4. Lentscher J.A., Slocum B., Torrealday S. Polycystic Ovarian Syndrome and Fertility. Clin Obstet Gynecol. 2021;64(1):65-75. DOI:10.1097/GRF.0000000000000595.

Qabul qilingan sana 20.03.2023

Received: 25.03.2023, Accepted: 30.03.2023, Published: 19.04.2023.

УДК 616-089.193.4:616.8

ТУРЛИ ХИЛ ОПЕРАЦИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР

[1]Кайимов М.Т., https://orcid.org/0009-0002-9071-4391
[1]Бабаназаров У.Т., https://orcid.org/0009-0000-3160-6273
[2]Хайитов Э.А. https://orcid.org/0009-0003-8678-7544

[1] Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
[2] Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонаси, Бухоро, Ўзбекистон, Бухоро вилояти, Бухоро, ст. Ғиждувон 89. Тел: +99865 2285054

✓ ***Резюме***

Операциядан кейинги когнитив бузилишлар атамаси эрта (операциядан кейин 72 соат ўтгач) ривожланадиган ва операциядан кейинги кечки даврда сақланиб қоладиган когнитив бузилишларни билдириш учун киритилган. Ҳозирги вақтда ОККБ атамаси операциядан олдин ва кейин ўтказилган бир қатор нейропсихологик тестлар ёрдамида баҳоланадиган бир ёки бир нечта когнитив функцияларнинг бузилишини англатади.

Калит сўзлар: операциядан кейинги когнитив бузилишлар, марказий нерв системаси, хотира, текшириш тестлар.

COGNITIVE DISORDERS ASSOCIATED WITH DIFFERENT OPERATIONS

[1]Qayimov M.T., [1]Babanazarov U.T., [2]Hayitov E. A.

[1]Bukhara State Medical Institute
[2]Bukhara Regional Infectious Diseases Hospital

✓ ***Resume***

The term postoperative cognitive impairment was introduced to denote cognitive impairment that develops early (72 hours after surgery) and persists into the late postoperative period. Currently, the term POCD refers to the impairment of one or more cognitive functions, which is assessed using a series of neuropsychological tests performed before and after surgery.

Key words: postoperative cognitive disorders, central nervous system, memory, examination tests.

КОГНИТИВНЫЕ РАССТРОЙСТВА, СВЯЗАННЫЕ С РАЗЛИЧНЫМИ ОПЕРАЦИЯМИ

[1]Кайимов М.Т., [1]Бабаназаров У.Т., [2]Хайитов Э.А.

[1]Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан
[2]Бухарская областная инфекционная больница, Узбекистан

✓ ***Резюме***

Термин «послеоперационные когнитивные нарушения» был введен для обозначения когнитивных нарушений, которые развиваются рано (через 72 ч после операции) и сохраняются в позднем послеоперационном периоде. В настоящее время термин ПОКД относится к нарушению одной или нескольких когнитивных функций, которое оценивают с помощью серии нейропсихологических тестов, проводимых до и после операции.

Ключевые слова: послеоперационные когнитивные расстройства, центральная нервная система, память, экзаменационные тесты.

Долзарблиги

Хозирги вақтгача кўп марталик операциядан кейинги когнитив бузилишларнинг турли хил анестезиялар билан боғлиқлиги, операциялар орасидаги интервал ҳақида аниқ маълумотлар йўқ [1]. Кўп марталик операциядан кейинги когнитив бузилишларнинг профилактика ва коррекция қилишнинг аниқ бир алгоритми йўқ. Шундай қилиб операциядан кейинги когнитив бузилишлар ва айникса кўп марталик операциядан кейинги когнитив бузулишлар профилактикаси ва коррекция қилишнинг аниқ бир алгоритми муаммо ёки баҳсли бўлиб ушбу соҳада анчагина изланиш ва ишлашни талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Беморларда умумий анестезия вақтида ўтказилган кўп марталик операциялардан кейинги когнитив бузилишлар ўрганиш.

Материал ва услублар

Текширишлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация ва жарроҳлик бўлимларида 2019-2022 йилларида олиб борилди. Жарроҳлик амалиёти кўп компонентли умумий анестезия ва ўпканиннг сунъий вентиляциясида бажарилди. Қўйилган максадни амалга ошириш учун беморларда операциядан олдин ва операциядан кейинги 3- ва 5-кунларда когнитив функцияси текширилди.

Натижа ва таҳлиллар

Текшириш объекти сифатида асосий ва назорат гуруҳларидан жами 120 та бемор ўрганилди, шундан 20 та бемор (назорат гуруҳи) бир марта операциядан кейин ва 100 та бемор кўп марталик операциядан кейин (асосий гуруҳ). Беморларнинг ёши 20 дан 59 ёшгача бўлиб, ўртача ёш 39,5±1,2 ёшни ташкил этади.

Текшириш мезонлари бўлиб беморларда: анамнезида бир марта ва кўп марта операция қилинган 20-59 ёшдаги беморлар ва текшириш учун розилик берганлар назорат ва асосий гуруҳга киритилди. Анамнезида энцефалопатия, эпилепсия, Паркинсон, Альцгеймер, бош мия жароҳати, МНТ тизимининг дегенератив касалликлари бўлмаган беморлар танлаб олинди.

Тадқиқот турли жарроҳлик аралашувлардан сўнг умумий анестезия остида операциядан кейинги даврда 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган 120 нафар беморни ажратиб олди. Улардан 20 нафари битта операциядан кейин, 100 нафари эса бир нечта операциядан кейин. Операция умумий кўпкомпонентли анестезия остида ўпканинг сунъий вентиляцияси билан амалга оширилди. Беморлар иккита тадқиқот гуруҳига бўлинган: 1 - гуруҳ. "битта операциядан кейин", 2 - гуруҳ "кўп марталик операциялардан кейин". Барча беморларга "10 сўз" Луриа тести бўйича нейропсикологик тестлар (қисқа муддатли хотира, диққат, ақлий қобилият, интеллектуал қобилиятсизлик) ўтказилди. Текширув операциядан 1 кун олдин ва операциядан 3-5 кун ўтгач ўтказилди. Иккинчи гуруҳдаги 100 бемордан 2 та операция ўтказилган - 18; 3 та операция ўтказилган 49, 4 та операция ўтказилган - 35 ва 5 та операция ўтказилган - 6 та бемор.

Бир марта ва кўп марта опреция ўтказган беморлар

Беморлар	Сони
Бир марта операция бўлганлар	20
Кўп марта операция бўлганлар	100

Жинси бўйича беморлар тақсимоти

Эркак	Аёл
35	65

Кўп маротаба операци бўлганлар орасида аёллар эркакларга қараганда сон жиҳатдан икки маротаба кўплиги аникланди.

Беморларнинг ёши бўйича тақсимоти 20-30 ёшгача	30-50 ёшгача	50 ёшдан катта
15	53	32

Кўп марта ўтказилган операциялар сони бўйича беморлар тақсимоти

2 марта	3 марта	4 марта	5 марта
10	49	35	6

Жадвалда 2 маротаба операция бўлганлар 10 та, 3 маротаба операция бўлганлар 49 та, 4 маротаба операция бўлганлар 35 та, 5 маротаба операция бўлганлар 6 та бемор кузатилди.

Касалликлар бўйича кўп марта ўтказилган операциялар бўлимлар кесимида тақсимоти

Урология	Гинекология	Травматология	Лор азъолари	Абдоминал хирургия	Нейрохи ургия
7	11	3	12	30	37

Марказий нерв тизимининг темпераменти бўйича беморлар тақсимоти

Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик
14	18	53	15

Жадвалдан кўриниб турибдиги флегматик ва сангвиниклар кўпчиликни ташкил этади.

Қон гуруҳлари бўйича беморлар тақсимоти

Rh Фактор	O (I)	A(II)	B(III)	AB(IV)
Rh(+)	29	22	30	15
Rh(-)	3	1	-	-

Кўп маротаба операция бўлганлар орасида B(III) ва O (I) гуруҳдаги беморлар кўпчиликни ташкил этди.

Йиллар бўйича ўтказилган операциялар сони

1 йил давомида	2 марта	-16та
	3 марта	-4 та
2 йил давомида	2 марта	-7та
	3 марта-	19та
	4 марта	-4 та
3 йил давомида	2 марта	-8та
	3 марта	-34та
	4 марта	-8та

Йил давомида кўп маротаба операция бўлганлар таҳлилида 2 йил давомида 3 маротаба (19 бемор) ва 1 йил давомида 2 маротаба (16 бемор) операция бўлганлар кўпчиликни ташкил этди.

Қайта-қайта операцияланиши йиллар давомида 5 мартагача-6та бемор

5 йил давомида	8 йил давомида	9 йил давомида	10 йил давомида
1	1	2	2

4 маротаба операция бўлган беморлар йиллар кесимида: 5 йилда 1 та бемор, 8 йилда 1 та бемор, 9 йилда 2 та бемор, 10 йилда 2 та бемор.

4 мартагача операция бўлганлар йиллар кесимида: жами 35та бемор

2 йил давомида	3 йил давомида	6 йил давомида	7 йил давомида	8 йил давомида	9 йил давомида	10 йил давомида
4	8	5	7	3	5	3

4 маротаба операция булган беморлар йиллар кесимида: 2 йилда 4 та бемор, 3 йилда 8 та бемор, 6 йилда 5 та бемор, 7 йилда 7 та бемор, 8 йилда 3 та бемор, 9 йилда 5 та бемор, 10 йилда 3 та бемор.

2 мартагача операция бўлганлар йиллар кесимида: жами 10та бемор

1 йил давомида	2 йил давомида
5	5

2 маротаба операция булган беморлар йиллар кесимида: 1 йилда 5 та бемор, 2 йилда 5 та бемор.

3 мартагача операция бўлганлар йиллар кесимида: жами 49 та бемор

1 йилда	2 йилда	3 йилда	4 йилда	5 йилда	6 йилда	7 йилда	8 йилда	10 йилда
1	8	8	10	7	3	4	3	5

3 маротаба операция булган беморлар йиллар кесимида: 1 йилда 1 та бемор, 2 йилда 8 та бемор, 3 йилда 8 та бемор, 4 йилда 10 та бемор, 5 йилда 7 та, 6 йилда 3 та, 7 йилда 4 та, 8 йилда 3 та, 10 йилда 5 та бемор.

Операциядан олдин Лурия тести бўйича ўтказилган синов натижалари

Беморлар	Лурия тести норма	Лурия тести натижа
Бир марта операция булганлар	80-100%	70-90%
Кўп марта операция бўлганлар	80-100%	60-70%

Текшириш усуллари.

Нейропсихологик тадқиқот (ММСЕ, 10 та сўзни ёдлаш учун Луриа тести, соат чизиш тести, визуал хотира тестлари асосида ўтказилди [2].

Намуна даражаси

1. Вақт бўйича ориентация: Сана (кун, ой, йил, ҳафтанинг куни, фасл) 0-5
2. Жойга йўналтириш: Биз ҳозир қаердамиз? (мамлакат, вилоят, шаҳар, клиника, қават) 0–5
3. Идрок: Учта сўзни такрорланг: қалам, уй, пеннй 0-3
4. Диққат ва ҳисоблаш: Серия балл ("100 дан 7 ни айириш") - беш марта ёки: "Ер" сўзини 0-5 гача орқага айтинг
5. Хотира: 3 та сўзни эсланг (3-бандга қаранг) 0-3
6. Нутқ: қалам ва соатни кўрсатинг, сўранг: "у нима деб аталади?" Илтимос, жумлани такрорланг: "Йўқ, агар ва ёки лекин" 0-3
7. 3 босқичли буйруқнинг бажарилиши: “Ўнг қўлингиз билан бир варақ қоғоз олинг, уни иккига бўлинг ва столга қўйинг” 0–3.
8. Ўқиш: "Ўқинг ва бажаринг" 1) Кўзингизни юминг 2) Гап ёзинг 0-2
9. 0-1 рақамини чизинг

Умумий балл: 0–30

Синов натижаларини қуйидагича талқин қилиш мумкин: 28-30 балл - когнитив бузилишлар йўқ; 24-27 балл - демансдан олдинги когнитив бузилиш; 20-23 балл - энгил деманс; 11-19 балл - ўртача деманс; 0-10 балл - оғир деманс.

Ўтказишнинг умумий тамойиллари 10 сўзни ёдлаш методикаси А.Р. Луриа билан оғзаки хотира ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган.

10 сўзни ёдлаш техникаси А.Р. Лурия тести билан оғзаки хотира ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган [3].

ПРАКТИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ:

1. Основными разделами программы сохранения репродуктивного потенциала и профилактики репродуктивных потерь, в первую очередь, гестационных, на уровне ПМСП, должны быть следующие:

1.1. социальная защита, диспансеризация девочек-подростков и женщин фертильного возраста, планирование беременности с целью профилактики нежелательных беременностей;

1.2. уменьшения числа абортов, обеспечение преемственности в работе семейных врачей, акушер-гинекологов, педиатров по наблюдению за беременными, диспансеризация беременных и своевременное выявление факторов риска плода;

2. Повышение эффективности наступившей беременности у женщин может быть обеспечены следующими мероприятиями: применение индивидуальных схем лечения при угрозе прерывания желанной беременности исходящих из Национальных протоколов, профилактикой рождения недоношенных, так как они в значительной степени определяют перинатальную и младенческую смертность; своевременной коррекцией пограничных и начальных патологических процессов в периоде новорожденных; полноценным динамическим наблюдением за детьми первого года жизни, своевременным выявлением патологии, имеющий риск последующей хронизации и инвалидизации в детском возрасте.

Узбекская модель обеспечения охраны здоровья матери и ребенка рекомендована ЮНИСЕФ как наилучшая программа для стран Восточной Европы, Балтии и СНГ. Узбекистан вошел в число 4 стран из 53 стран региона, определенных ВОЗ для реализации программы Европейской стратегии «Здоровье и развитие детей и подростков»

Указом Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года была утверждена Концепция развития системы здравоохранения Республики Узбекистан на 2019-2025 годы. В соответствии с концепцией, в ближайшие годы запланированы меры по совершенствованию нормативно-правовой базы, внедрению государственно-частного партнерства в сферу, поэтапному обеспечению всеобщего охвата граждан страны обязательным медицинским страхованием и другие.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Лещенко О.Я. Основные факторы и детерминанты потерь репродуктивного потенциала женского населения Восточной Сибири 2011 год, / Диссертация ДМН Лещенко Ольга Ярославна
2. Костюкова Н.Б. Медико-социальные аспекты репродуктивного здоровья женщин и пути его укрепления 2012 год, / Диссертация кандидат медицинских наук Костюкова, Наталья Борисовна
3. Послания Президента Ш. Мирзиёева Олий Мажлису Республики Узбекистан. Т.: 2018,2019,2020 гг.
4. Мажидов Ш.Ф. Развитие гражданской культуры сквозь призму модернизации образования (на примере Республики Узбекистан). СПБ, 2016.
5. Разыкова Л.Т., Игамова И.С. Широкие возможности для индивидуализации обучения // Проблемы биологии и медицины, 2016;2:1.
6. Разыкова Л.Т., Игамова И.С., Муратова Ш.Н. Роль психологической атмосферы семьи в становлении и развитии личности // Наука и образование сегодня, 2019;11(46).
7. Разыкова Л.Т. и др. Эффективность педагогического общения в подготовке врачей // Наука и образование сегодня, 2019;11(46).
8. Халимбетов Ю.М. и др. Факторы духовного развития молодежи // Достижения науки и образования, 2019;12(53).

9. Халимбетов Ю.М., Махмудова Х.И. Интеллектуализация труда и формирование нравственной личности в Узбекистане // Наука и общество в эпоху перемен, 2017;1:105-110.
10. Шамсиев А.М., Курбаниязов З.Б., Давлатов С.С. Современные инновационные технологии в образовательной деятельности самаркандского медицинского института // Сборник тезисов, 2018;15:100.
11. Mahmudova A.N. Legal socialization and legal culture of youth in modern civil society. Monografia pokonferencyjna Science, research, development. Barcelona. 2019;16:260-264.
12. Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистан 2015 / Под ред. Г. Саидовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015;100.
13. Рыбальченко С.И. Социально-демографические аспекты репродуктивного здоровья нации. // Доклад на Международном форуме «Новые горизонты репродуктивного здоровья». М., 9-10 июля 2015 г.
14. Мельников В.А., Стулова С.В., Ермолаева Е.В. Проблемы репродуктивного здоровья супружеских пар в современных условиях // Фундаментальные исследования. 2011;10-1:118-121.URL: https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=28687 (дата обращения: 18.10.2022).
15. Джалилова Г.А. и др. Оценка показателей репродуктивного здоровья женщин в Узбекистане Авторы: Джалилова Г.А., Исаев И.С., Икрамова М.И., Раджабова Н.А. Рубрика: Медицина Опубликовано в Молодой учёный 2014;3(62).
16. Социально-гигиеническая оценка репродуктивно-дамографических процессов в Чувашской Республике 2010 год, / Автореферат кандидат медицинских наук Куьмин Владимир Николаевич.
17. Основные факторы и детерминанты потерь репродуктивного потенциала женского населения Восточной Сибири 2011 год, / Автореферат доктор медицинских наук Лещенко Ольга Ярославна.
18. Медико-социальные аспекты репродуктивного здоровья женщин и пути его укрепления 2012 год, / Автореферат кандидат медицинских наук Костюкова, Наталья Борисовна
19. Обеспечение верховенства закона и интересов человека - гарантия развития страны и благополучия народа. Доклад избранного Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, 2016 г.
20. Рахимова Д.Н. Социальная политика в Узбекистане и ее изменения // Международная конференция «Евразийский вызов». Сборник тезисов. 2016.
21. Факторы формирования крепкой семьи и репродуктивного здоровья в Республике Узбекистан / Институт социальных исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан. - Ташкент, 2015.
22. Нуруддинова А.Г. Эффективная социальная политика как фактор обеспечения стабильности и развития общества // Наука в современном мире: теория и практика. 2016;1(4):117-119.
23. Репродуктивное здоровье; Издательство Российского Университета дружбы народов - Москва, 2012.
24. ВИЧ-инфекция, сексуальное и репродуктивное здоровье молодежи; Островитянин - Москва, 2011.
25. Сергейко И.В., Люцко В.В., Люцко В.В. Профилактика нарушений репродуктивного здоровья у женщин в возрасте до 40 лет // Фундаментальные исследования. 2014;4-2:350-354; URL:https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=33843 (дата обращения: 18.10.2022).
26. Ларичева Е.Г., Саламатова Т.В., Мещеряков В.В. Инновационный проект «Школа репродуктивного здоровья» для подростков: эффективность реализации и гендерные особенности. // Профилактическая медицина. 2020;23(1):43-50.
27. Брынза Н.С. Научное обоснование инновационной модели медицинской помощи роженицам и родильницам, опирающейся на семейно-ориентированные технологии родовспоможения: автореф. // Дис.докт. мед. наук. – М., 2010;44.
28. Киселёв А.М. Медико-социальная характеристика репродуктивного поведения женщин позднего фертильного возраста // Российский медико-биологический вестник 2010;2:41-46.
29. Кулаков В.И., Фролова О.Г. Репродуктивное здоровье в Российской Федерации // Народонаселение 2004;3:60-66.

Поступила 20.04.2023

Received: 20.03.2023, Accepted: 25.03.2023, Published: 20.04.2023.

УДК 618.1.3-089

МЕДИКАМЕНТОЗ АБОРТДАН КЕЙИНГИ КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ МАҚБУЛЛИГИ

Насирова З.А. https://orcid.org/0000-0001-7032-2628
*Гайбуллаева З.Ф.*https://orcid.org/0000-0001-7032-2628

Самаркандский государственный медицинский университет Узбекистан, г.Самарканд, ул. Амира Темура, Тел: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ ***Резюме***

Тадқиқот мақсади: аниқланган гемостазиологик ўзгаришларга қараб, медикаментоз абортдан сўнг контрацепция усулларини такомиллаштириш.

Материал ва текшириш усуллари: Тадқиқотда 105 нафар аёллар текширишдан ўтказилди. Умумклиник текширув; гинекологик текширув, гемостаз тизими текширилди.

Тадқиқот натижалари: Танланган контрацепция усулининг мақбуллиги гемостаз тизимига таъсири, тана вазн индекси, АҚБ катталиги, субъектив кечирилиши, ножўя таъсир ва асоратларнинг мавжудлиги бўйича баҳоланди.

Калит сўзлар: медикаментоз аборт, контрацепция, гемостаз тизими

THE ACCEPTABILITY OF POST-MEDICAMENTOUS ABORTION CONTRACEPTION METHODS

Nasirova S.A. Gaybullayeva Z.F.

Samarkand State Medical University Uzbekistan, Samarkand, st. Amir Temur, Tel: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ ***Резюме***

The aim of the study: to improve methods of contraception after medical abortion, depending on the detected homeostasis logical changes.

Examination material and methods: 105 women were examined in the study: a general clinical examination was conducted; a gynecological examination was performed; the hypostasis system was checked.

The results of the study: the optimality of the chosen method of contraception was assessed by the effect on the hemostasis system, body mass index, AQB value, subjective forgiveness, the presence of side effects and complications.

Key words: medical abortion, contraception, hemostasis system

ПРИЕМЛЕМОСТЬ МЕТОДОВ КОНТРАЦЕПЦИИ ПОСЛЕ МЕДИКАМЕНТОЗНОГО АБОРТА

Насирова З.А., Гайбуллаева З.Ф.

Самаркандский государственный медициский университет
Ўзбекистон, Самарқанд ш. Амир Темур, Tel: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ ***Резюме***

Цель исследования: совершенствование методов контрацепции после медикаментозного аборта в зависимости от выявленных гемостазиологических изменений.

Материал и методы обследования: обследовано 105 женщин; проведены общеклиническое, гинекологическое и гемостазиологическое обследование

Результаты исследования: оптимальность выбранного метода контрацепции оценивалась по влиянию на систему гемостаза, индексу массы тела, величине АД, наличию побочных эффектов и осложнений.

Ключевые слова: медикаментозный аборт, контрацепция, система гемостаза

Долзарблиги

Исталмаган ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш (аборт) аёллар репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи муҳим тиббий-ижтимоий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, абортни, аёллар репродуктив саломатлигини сақлашнинг жиддий муаммоси деб тан олган [2,4].

Бутун дунёда ҳар бир тўртинчи аёл умри мобайнида ҳомиладорликни тўхтатиш муолажасига бир ёки бир неча марта мурожаат қилади. Дунё бўйича абортларнинг йиллик сони тахминан 56 миллионни ташкил этади, улардан 25 миллиони хавфсиз эмас, бунинг натижасида 22 000 аёл вафот этади ва у оналар ўлимининг барча ҳолатларини қарийб 8% ини ташкил этади [5,9,12].

Абортлар сонининг барқарор камайишга бўлган мойиллигига қарамасдан, абортлар муаммоси оналар ўлими, жинсий аъзоларнинг яллиғланишли касалликлари, бепуштликнинг етакчи сабабларидан бири бўлганлиги сабабли ҳанузгача ҳал қилинишни талаб этади, шунингдек, у ҳомила тушиши, оналар ва перинатал патология сонини ошириб, кейинги ҳомиладорлик ва туғруқларнинг кечишига салбий таъсир кўрсатади [1,6,10].

2010 йил мартида аборт муаммолари бўйича Бутунжаҳон конгрессининг тан олишича (Лиссабон), медикаментоз аборт - дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган ҳомиладорликни тўхтатишнинг энг хавфсиз технологияси бўлиб ҳисобланади. Абортларнинг, шу жумладан хавфли абортларнинг тарқалганлиги кўпинча мамлакатнинг қонунчилик сиёсати билан белгиланади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, оилани режалаштириш ва абортларнинг хавфсизлиги муаммолари давлат учун жуда ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади. Бу 2019 йилда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни билан тасдиқланади.

Бироқ, асоратсиз абортдан кейин тезликда жинсий фаолликнинг эрта тикланиши ва фертилликнинг эрта тикланишини (биринчи уч ойликда сунъий аборт қилингандан кейин 10 кун ўтгач, овуляциянинг содир бўлиш эҳтимоли 75,9%ни ташкил этади) ҳисобга олиб [3,7], аёлларга абортдан кейин дарҳол қўллашлари мумкин бўлган юқори самарали контрацептив усулларни таклиф этиш жуда муҳим [1,8,11].

Мазкур илмий-тадқиқот ишини (ИТИ) олиб бориш шунинг учун ҳам долзарбдирки, дори-дармонлар ёрдамида амалга оширилган абортдан кейин гемостатик ўзгаришларни коррекциялаш заруриятини ҳисобга олувчи реабилитациянинг тизимлаштирилган мақбул схемалари мавжуд эмас. Юқорида кўрсатилган фактлар бизнинг ишимиз йўналишини белгилаб берди.

Тадқиқот мақсади: аниқланган гемостазиологик ўзгаришларга қараб, медикаментоз абортдан сўнг контрацепция усулларини такомиллаштириш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотимизга 105 та ҳомиладорлигини тўхтатиш бўйича (аменореянинг 63 кунигача ёки гестациянинг 9 ҳафтасигача) мурожаат қилинган аёллар киритилди. Текширилган аёллар 20 ёшдан 40 ёшгачани ташкил қилди. Ўртача ёш 29,7±3.2 ёшни ташкил қилди. Барча аёллардаги ушбу ҳомиладорлик исталмаган ҳомиладорлик бўлган. Асосий гуруҳдаги аёлларга Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 229- буйруғига асосан “Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тартиби бўйича миллий клиник баённомаси” га мувофиқ ҳомиладорликни дори воситалари орқали сунъий равишда тўхтатиш усули (мифепристон 200 мг ва мизопростол 800 мкг) ўтказилди. Қиёсий гуруҳга хирургик аборт қилган аёллар ва назорат гуруҳи ҳомиладорликни тўхтатишдан олдин текширилди.

Тадқиқот усулларига: умумклиник текширув; гинекологик текширув; рекальцификациянинг фаоллашган вақти (РФВ сонияларда); фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ сонияларда); тромбин вақти (ТВ сонияларда); халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН); фибриноген (г/л да); тромбоцитлар сони; кичик чаноқ аъзоларининг трансвагинал эхографияси киритилди.

Асосий гуруҳдаги аёлларнинг кўпчилиги, 14 та аёл ишлайдиган (40%), 9 нафари талаба (25%), қолган қисми ишламайдиган аёлларни ташкил қилди. Қиёсий гуруҳдаги 13 нафари

(37%) ишлайдиган, 25% талаба ва қолган қисми уй бекаларини ташкил қилди. Назорат гуруҳидаги аёллар ҳам социал жиҳатдан иккала юқори гуруҳ аёлларидан фарқ қилмади.

Натижа ва таҳлиллар

Текширилган аёлларнинг 88% да никоҳ қайд қилинган ва бу рақам гуруҳлар кесимида фарқ қилмади.

Асосий гуруҳдаги аёлларда менархенинг ўртача ёши 12,9±0,8 ёшни ташкил қилди, жинсий ҳаётни эса бу аёллар ўртача 19,1±1,2 ёшда бошлашган. Ҳомиладорликни дори воситалари орқали сунъий равишда тўхтатишга биринчи марта ҳомиладор бўлган аёллар мурожаат қилмаган; иккинчи ҳомиладорликни 14% аёллар, учинчи ҳомиладорликни 23% аёллар ва тўртинчи ва ундан ортиқ ҳомиладорликни қолган аёллар тўхтатиш учун мурожаат қилишган. Текширилган аёлларнинг 61% табиий туғруқ йўллари орқали туққан бўлиб, 39% аёллар анамнезида Кесар кесиш операциясини ўтказишган. 41% аёллар анамнезида ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш амалиёти ўтказилган, 9,5% аёлларда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ва 3,8% да бачадондан ташқари ҳомиладорлик кузатилган.

1-жадвал.

Текширилган аёллардаги акушерлик анамнез

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Назорат гуруҳи
2-ҳомиладорлик	4 (14%)	5 (14,3%)	3 (8,6%)
3-ҳомиладорлик	8 (23%)	9 (25,7%)	12 (34,3%)
4 ва ундан ортиқ ҳомиладорлик	23 (65,7%)	21 (60%)	20 (57%)
Табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ	23 (65,7%)	22 (62,9%)	21 (60%)
Ҳомилани сунъий тўхтатиш	12 (34,3%)	13 (37,1%)	14 (40%)
Ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши	3 (8,6%)	4 (11,4%)	3 (8,6%)
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	1 (2,8%)	2 (5,7%)	1 (2,8%)

Жадвалдан кўриниб турибдики, текширилаётган аёлларда туғруқдан кейинги ўртача интервал асосий гуруҳда 2,2 ± 0,7 йилни, қиёсий гуруҳда 2,1 ± 0,5 йилни назорат гуруҳида 2,5 ± 0,8 йилни ташкил этди. 5 йил ва ундан кўп йил аёллар сони камчилик – мос равишда асосий гуруҳда 6 (17,1%); қиёсий гуруҳда 3 (8,6%) ва назорат гуруҳида 15 (42,9%) нафар бўлган.


Асосий ва назорат гуруҳидаги аёлларнинг ёш бўйича ва туғруқнинг муддати бўйича тақсимотида аҳамиятли тафовутлар кузатилмади, бу эса уларни параметрлар маълумотлари бўйича бир хил деб ҳисоблаш ва тегишли таққослашларни ўтказишга имкон беради.

2-жадвал

Туғруқлар орасидаги интервалга кўра аёлларнинг тақсимланиши

Туғруқлар орасидаги интервал (йил)	Асосий гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Назорат гуруҳи
0,25 - 0,5	4 (11,4%)	5 (14,3)	2 (5,7%)
0,5 – 1	8 (22,9%)	9 (25,7%)	9 (25,7%)
1,1 – 3	13 (37%)	14 (40%)	4 (11,4%)
3,1 – 5	4 (11,4%)	4 (11,4%)	5 (14,3)
5,1 – 7	2 (5,7%)	2 (5,7%)	13 (37%)
7,1 – 10	4 (11,4%)	1 (2,9%)	2 (5,7%)

Ҳозирги ҳомиладорликка қадар қуйидаги контрацептив усулларидан фойдаланилган.



1-расм. Контрацепция усулларининг қўлланилиши бўйича аёлларнинг тақсимланиши

1– расмдан кўриниб турибдики, асосий афзаллик самараси паст усулларга - презервативга, узилган жинсий алоқага ва календарли усулга берилган, гормонал контрацепция уччала гуруҳда ҳам камдан-кам қўлланилган, нотўғри қўлланилган. Туғруқдан кейинги биринчи йилда аборт қилган аёллар орасида исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун кам самарали усулларни қўллаган аёллар асосий гуруҳда, қиёсий ва назорат гуруҳида деярли фарқ қилмаган. Асосий гуруҳдаги 34,3%, қиёсий гуруҳдаги 37,1% ва назорат гуруҳидаги 37,1% аёллар контрацептив воситаларни қўллашмаган.


Аёллар маълумот даражаси контрацепция усулларидан фойдаланишга ҳам таъсир қилади. Олий ва ўрта махсус маълумотли аёллар юқори самарадорликка эга контрацепция усулларидан фойдаланмаган бўлсада, контрацепция воситаларни қўллашга ҳаракат қилишган.

Юқори самарадорликка эга контрацепция воситалари (гормонал ва БИВ) асосий гуруҳдаги 5 нафар (14,3%), қиёсий гуруҳдаги 6 нафар (17,1%) ва назорат гуруҳидаги 7 нафар (20%) аёл контрацепция усулларини қўллаш саломатликка салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади. Гормонал контрацепция қўлланилишига текширилган аёлларнинг кўпчилиги, 17,1% салбий қарашади, буни тана вазни ошиши ва моддалар алмашинувига таъсири билан боғлашади. Кесар кесишдан кейин 14,3% аёллар чандиқни жароҳатлаши эҳтимоллиги туфайли ва ўзлари мустақил туққан 11,4% аёллар ҳайз вақтида қон йўқотишлар кўплиги ҳамда яллиғланишли касалликлар эҳтимоли сабабли бачадон ичи контрацептивларини қўллашга салбий қарашади.

Текширилаётган аёлларнинг соматик касалликлар бўйича саломатлик индекси нисбатан қониқарли бўлган.

Ушбу аёлларда энг кўп тарқалган касалликлар семизлик бўлган ва у гуруҳлар кесимида 20%, 14,3% ва 14,3% учраган. Иккинчи ўринда сийдик ажратиш тизими касалликлари учраб ўртача 17,1% учраган. Кейинги ўринда нафас олиш тизими касалликлари учраб, гуруҳлар орасида 11,4%, 17,1% ва 8,6% учраган. Қолган касалликлар гуруҳлар орасида деярли бир хил нисбатда, учраб, умумий олганда 81,9% аёлларда бирор бир хил соматик патология мавжуд бўлган.

Текширилаётган аёлларда гинекологик касалликлар учраши 2- расмда келтирилган.




2- расм. Гинекологик касалликларнинг учраши.

2- расмдан кўриниб турибдики, энг кўп тарқалган гинекологик касалликлар, бачадон бўйни касалликлари бўлиб, гуруҳлар кесимида 17,1%; 14,3% ва 14,3% учраган. Иккинчи ўринда жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари бўлиб, ўртача 14,2% учраган, кейинги ўринда ҳайз циклининг бузилиши бўлиб, асосий ва қиёсий гуруҳда 11,4%, назорат гуруҳида 11,3% учраган. Тухумдон кисталари, миома ва эндометриоз касалликлари кам учраган. Тухумдонлар поликистози синдроми уччала гуруҳда ўртача 5,7% учраган.

Кўп ҳолларда медикаментоз аборт ва хирургик аборт, абортдан кейинги давр асоратсиз кечди. Баъзи ҳолларда медикаментоз абортдан кейин 17,1% кўнгил айниши, 8,6% ҳолатда қусиш, 5,7% ҳолатда кучли оғриқ (анальгетик ичиш буюрилган), 2,9% ҳолатда кўп миқдорда вагинал қон кетиш кузатилган. Ушбу аёлда қон кетиш давомийлиги 10 кунни ташкил қилган.

Бундан ташқари аёлларда температуранинг ошиши (2,9% ва 5,7%), диарея (2,9% ва 2,9%), бош оғриғи 5,7% ва 8,6% учраб, тиббий ёрдам учун шифокорга мурожаат қилишган. Медикаментоз абортнинг асоратлари орасида гематометра 2,9% ҳолатда, тўлиқ бўлмаган аборт 2,9% ҳолатда (3.3- расм), хирургик абортдан кейин метроэндометрит 5,7%, тўлиқ бўлмаган аборт 2,9% учради.



3- расм. Медикаментоз абортдан кейин учраган асоратлар.

Биз тадқиқотимизда медикаментоз аборт ўтказилгандан кейин аёлда қуйидаги кўрсаткичлар динамикада баҳоланди: АҚБ, ТВИ, гемоглобин миқдори (Hb), гематокрит (НСТ). Ушбу кўрсаткичлар 3 -жадвалда кўрсатилган.

3 -жадвал.

Динамикада баъзи бир кўрсаткичларнинг натижалари.

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Назорат гуруҳи
САҚ, мм.с.уст.	108,8±3,2	110,2±3,6	113,2±4,1
ДҚБ, мм.с.уст.	70,8±2,6	72,6±2,2	74,1±2,9
ТВИ,кг/м^2	21,6±0,8	22,2±1,2	22,1±0,9
Hb, г/л	110,2±3,1	108,2±3,7	113,2±4,2
НСТ, %	34,6±1,7	33,4±1,6	36,8±1,8

Медикаментоз аборт ўтказилгандан кейин гемостаз тизимида бир қанча ўзгаришлар юзага келди. Бунда фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ сонияларда) 6,5% га, тромбин вақти (ТВ) 5,0%, фибриноген концентрациясининг ошиши 6,1% кузатилди. Рекальцификациянинг фаоллашган вақти (РФВ сонияларда) камайди. Д - димер миқдори медикаментоз аборт фонида ўзгармади ва 0,1±0,02 мкг/мл атрофида сақланиб қолди. Тромбоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан 6%га камайди. Бу кўрсаткичлар 4 -жадвалда батафсил ёритилган.

Хирургик ва медикаментоз абортдан кейин аёлларга постаборт контрацепция мақсадида аёлларга таркибида 30 мкг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадинон ацетат бўлган КОК 6 ой муддат давомида қўллаш учун тайинланган. Аёлларга гормонал контрацептивни қўллаш бўйича маслаҳатлар берилди. Уларга тадқиқот ҳақида, жумладан турли усулларнинг афзалликлари ва чекловлари ҳақида батафсил маълумот берилди, ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш операциясидан олдин эса қайта консультация ўтказилган.

4 -жадвал.

Текширилган аёлларда гемостаз кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Назорат гуруҳи
ФҚТВ, сония	31,8±2,7	27,9±2,1	28,1±1,8
ТВ	17,2±1,2	15,8±1,4	15,6±1,2
Фибриноген	3,5±0,8	3,2±1,1	3,2±1,4
РФВ, сония	101,1±4,8	104,2±4,6	105,6±5,5
Д- димер, мкг/мл	0,1±0,02	0,1±0,02	0,1±0,02
МНО	1,0±0,1	1,1±0,1	1,1±0,2
Тромбоцитлар, 10^9/л	258,6±18,4	270,5±19,2	271,4±21,2

Шундай қилиб, медикаментоз абортдан кейин, мифепристон ва мизопростол фонида гемостаз тизимида ўзгаришлар вужудга келади.

Аёллар препаратни ҳар куни бир вақтда 21 кун давомида қабул қилишган, кейин эса етти кунлик танаффус қилишган. Бундан ташқари, гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, АОК билан биргаликда антиагрегант восита - ацетилсалицил кислотаси 75 мг/суткасига 4 ҳафта давомида тавсия этилди. АОК контрацептив эффективлиги 100% ни ташкил қилди. Медикаментоз аборт ўтказган аёлларда АОК нинг мақбуллиги яхши, деб қабул қилинди. 3.6-жадвалда, медикаментоз ва хирургик абортдан кейин қабул қилинган АОК нинг субъектив жиҳатдан тавсифномаси келтирилган. Медикаментоз аборт ўтказган аёлларнинг 6 таси, хирургик абортдан кейин 8 та аёл АОК қабул қилишдан воз кечди, уларга бошқа контрацепция усули тавсия этилди ва бизнинг кейинги босқич тадқиқотимиздан чиқарилди.

5-жадвал

АОК нинг субъектив жиҳатдан тавсифи

Мақбуллиги	Асосий гуруҳ (n=29)			Қиёсий гуруҳ (n=27)		
	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
Яхши	23 (79,3%)	26 (89,7%)	28 (96,6%)	22 (81,5%)	24 (88,9%)	26 (96,3%)
Қониқарли	4 (13,8%)	2 (6,9%)	1 (3,4%)	3 (11,1%)	2 (7,4%)	1 (3,7%)
Ёмон	2 (6,9%)	1 (3,4%)	0	2 (7,4%)	1 (3,7%)	0

АОК фонида ҳайз функциясининг таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқотда қатнашаётган аёлларнинг кўпчилиги ҳайз функцияси стабиллашганлигини, оғриқлар камайганлиги, кетаётган қон ҳажми ва давомийлиги камайлигини кўрсатишди. Асосий гуруҳдаги 2 нафар (6,9%) аёл ва қиёсий гуруҳдаги 3(11,1%) аёл ҳайз цикли ўртасидаги озгина қон суркалишига, 3 циклда эса асосий гуруҳдаги 1 нафар (3,4%) ва қиёсий гуруҳдаги 2 нафар (7,4%) аёлда қон суркалиши ва 3 циклда қон суркалишига иккала гуруҳ аёллари ҳам шикоят қилишмади.

6-жадвал

АОК қабул қилганда ҳайз функциясининг характеристикаси

Кўрсаткичлар	Ҳомиладорликни тўхтатишгача (n=70)	АОК қабул қилганда (n=56)		
		1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
Кўп қон кетиш	9 (12,9%)	5 (8,9%)	2 (3,6%)	0
Мўътадил қон кетиш	59 (84,3%)	47 (83,9%)	50 (89,3%)	50 (89,3%)
Кам қон кетиш	2 (2,8%)	4 (7,1%)	4 (7,1%)	6 (10,7%)
Ҳайзлараро қон кетиш	3 (4,3%)	5 (8,9%)	3 (5,4%)	0
альгодисменорея	19 (27,1%)	7 (12,5)	4 (7,1%)	1 (1,8%)
давомийлиги	5,4±0,8	4,8±0,6	4,4±0,7	4,1±0,6

Альгодисменорея АОК қабул қилгунча 19 нафар (27,1%) аёлни безовта қилган бўлса, АОК қилгандан кейин 3 ойдан кейин 7,1% ни, 6 ойдан сўнг эса 1,8% ни ташкил қилди, яъни бу кўрсаткич 15 мартага камайди, деб айта оламиз. АОК қабулидан ҳайз функциясининг давомийлиги ўртача 5,4±0,8 кунни ташкил қилган бўлса, АОК қабули вақтида 6 ойдан кейин 4,1±0,6 кунни ташкил қилди.


Бундан ташқари мастодиния, сут безларининг дағаллашуви, шишлар, кайфиятнинг ўзгариши каба предменструал синдром белгилари ҳам анча камайди ва булар 7-жадвалда ўз аксини топган.

7-жадвал

АОК нинг даволовчи хоссалари

Симптомлар	Ҳомиладорликни тўхтатишгача (n=70)	АОК қабул қилганда (n=56)		
		1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
Сут безлари дағаллашуви	29 (41,4%)	10 (17,9%)	6 (10,7%)	2 (3,6%)
мастодиния	21 (30%)	7 (12,5)	3 (5,4%)	0
депрессия	4 (5,7%)	4 (7,1%)	2 (3,6%)	0
шишлар	8 (11,4%)	4 (7,1%)	2 (3,6%)	1 (1,8%)
Кайфият ўзгариши	7 (10%)	3 (5,4%)	2 (3,6%)	1 (1,8%)
Акне ва себореяли дерматит	10 (10%)	5 (8,9%)	3 (5,4%)	1

Аралаш орал контрацепциянинг мақбуллигини ўрганиш учун унинг ножўя таъсирларини билиш керак бўлади. Ушбу ножўя таъсирларга қиндаги қуруқлик, дискомфорт, диспептик бузилишлар, эпигастрал соҳада дискомфорт ва кўнгил айниши киради. АОК қабули вақтида бу ножўя таъсирлар унча кўп учрамади. Абортдан кейинги вақтда АОК қабулида қиндаги қуруқлик 1 ойдан кейин 8 нафар аёлда (11,4%), 3 ой ва 6 ойдан сўнг 8,9% ва 5,4% учради. Диспептик бузилишлар эса, АОК қабул вақтида 1 ойдан кейин 17,9%, 3 ой ва 6 ойдан сўнг эса 10% ва 7,1% учради. Кандидозли вульвовагинит АОКнинг 1 циклидан кейин 12,5%, 3 ва 6 ойдан кейин эса 8,9% ва 3,6% учради. Ушбу ножўя таъсирлар учраши 3.4- расмда келтирилган.



4- расм. АОК қабул вақтидаги ножўя таъсирлар учраши.

Медикаментоз аборт ўтказилгандан аралаш орал контрацепция ва антиагрегантлар билан реабилитация давомида гемостаз тизими ўрганилди. Бунда фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ сонияларда), тромбин вақти (ТВ), фибриноген концентрацияси кузатилди. Рекальцификациянинг фаоллашган вақти (РФВ сонияларда) 6 ой дан кейин референс кўрсаткичларга яқинлашди. Д- димер миқдори медикаментоз абортдан кейин реабилитация фонида ўзгармади ва 0,1±0,02 мкг/мл атрофида сақланиб қолди. Тромбоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан деярли фарқ қилмади, бу хулосаларимиз Cameron S. T., Glasier A., Johnstone A. (2017 й) натижалари билан ҳамоҳанг.

Хулоса

Мифепристон ва мизопростол ёрдамида ҳомиладорликни тўхтатиш юқори самарали усул ҳисобланади, аммо бу гемостатик мувозанатнинг бузилишига олиб келади ва гемостазнинг қон томир-тромбоцитлар ва коагуляцион боғланишида ўзгаришларга олиб келади. Абортдан кейинги даврда 30 мкг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадинон ацетат (ХМА) сақловчи АОК воситасидан фойдаланиш тромбоцитлар агрегацияси фаоллигини оширишга, шунингдек гемостазнинг коагуляцион звеносида гемостатик силжишларга олиб келади, бу рекальцификациянинг фаоллашган вақти (РФВ сонияларда) қисқариши билан намоён бўлади, фибриноген концентрациясининг ошишига, бунинг натижасида, антикоагулянт ҳимоя фаоллигининг пасайиши кузатилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аксентьева А.В., Полякова В.А., Карпова И.А. Изменения в сосудисто-тромбоцитарном звене гемостаза на фоне реабилитации после медикаментозного прерывания маточной беременности малых сроков и метод их коррекции // Современные проблемы науки и образования. 2018;5:77-77.
2. Агабабян Л. Р., Насирова З. А. Послеабортный уход-особенности контрацепции // Фундаментальные и прикладные исследования науки XXI века. Шаг в будущее. 2017;48-50.
3. Галущенко Е.М., Петров Ю.А., Арндт И.Г. Медикаментозный аборт и контрацепция после него // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2019;4:204-208.
4. Кравченко Е.Н. и др. Комплексная реабилитация женщин после позднего аборта по медицинским показаниям // Бюллетень медицинской науки. 2017;3(7).
5. Alden G., Elshader A.A. Determination of Fibrinogen level in Recurrent Abortion in Shendi Town: / Дис. – Hamza Ahmed Hassan Mohammed Eltoum, 2018.
6. Biggs M.A. et al. Women's mental health and well-being 5 years after receiving or being denied an abortion: A prospective, longitudinal cohort study // JAMA psychiatry. 2017;74(2):169-178.
7. Cameron S.T., Glasier A., Johnstone A. Comparison of uptake of long-acting reversible contraception after abortion from a hospital or a community sexual and reproductive healthcare setting: an observational study // Journal of Family Planning and Reproductive Health Care. – 2017;43(1):31-36.
8. Foster D.G. et al. Comparison of health, development, maternal bonding, and poverty among children born after denial of abortion vs after pregnancies subsequent to an abortion // JAMA pediatrics. 2018;172(11):1053-1060.
9. Heikinheimo O., Suhonen S. Contraception After an Induced Abortion and Childbirth // Female and Male Contraception. – Springer, Cham, 2021;229-242.
10. Schubring C. et al. Fibrinolysis and factor XIII in women with spontaneous abortion // European Journal of Obstetrics Gynecology and Reproductive Biology. 1990;35(2-3):215-221.
11. Yasnikovska S.M., Petriyk B.V. Correction of disorders in the system of hemostasis at miscarriage in the I-st trimester of pregnancy // Клінічна анатомія та оперативна хірургія. – 2016;15(2):73-76.
12. Zarei M. et al. Resilience and Coping Strategy after Abortion due to Fetal Malformation: // A Web-Based Randomized Controlled Intervention. 2020.

Қабул қилинган сана 20.04.2023

Received: 20.03.2023, Accepted: 25.03.2023, Published: 20.04.2023.

УДК 618.4-036.73

ҲОМИЛАДОРЛИК ПАЙТИДАГИ ЯШИРИН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ: НОХУШ ПЕРИНАТАЛ ОҚИБАТЛАРНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ *(Адабиётлар шарҳи)*

Насирова З.А. https://orcid.org/0000-0001-7032-2628
Сафарова Д.Ф. https://orcid.org/0000-0001-7032-2628

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Адрес: 140100, Ўзбекистон, Самарқанд ш, Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

✓ ***Резюме***

Ҳар йили дунё бўйлаб 40 миллионга яқин ортиқча вазнли аёлларда ҳомиладорлик содир бўлади, баъзи давлатларда ушбу асорат 60% дан кўпроқ учрайди. Ўзбекистонда аёлларнинг 25,2 %и (15-49 ёш) ортиқча вазнга эга, ҳомиладор аёлларнинг 15,5 %и семизликдан азият чекади.

Ушбу шарҳда ортиқча вазннинг ҳомиладорликни асоратлари ва оқибатларига таъсири муҳокама этилади. Ортиқча вазн - бепуштлик, ҳомилани кўтаролмаслик, ҳомиладорликнинг асоратлари, туғруқдаги асоратлар, ҳомила ва оналар ўлимининг катта хавф омилидир. Мазкур хавфларнинг барчаси ҳомиладорлик пайтида ҳаддан ташқари вазн ортиши билан ҳам боғлиқ.

Калит сўзлар: Ҳомиладорлик пайтидаги яширин қандли диабет, нохуш перинатал оқибатларнинг хавф омиллари, бепуштлик, ҳомилани кўтаролмаслик, ҳомиладорликнинг асоратлари, туғруқдаги асоратлар, ҳомила ва оналар ўлими.

ЛАТЕНТНТНЫЙ САХАРНЫЙ ДИАБЕТ ВО ВРЕМЯ БЕРЕМЕННОСТИ: ФАКТОРЫ РИСКА НЕБЛАГОПРИЯТНЫХ ПЕРИНАТАЛЬНЫХ ИСХОДОВ *(Обзор литературы)*

Насирова З.А., Сафарова Д.Ф.

Самаркандский государственный медицинский университет

✓ ***Резюме***

Ежегодно во всем мире происходит около 40 миллионов беременностей с избыточной массой тела, в некоторых странах это осложнение встречается более 60%. В Узбекистане 25,2% женщин (15-49) имеют избыточный вес, 15,5% беременных женщин страдают ожирением.

В этом обзоре обсуждается влияние избыточного веса на осложнения и исходы беременности. Избыточный вес является значительным фактором риска бесплодия, невынашивания беременности, осложнений беременности, осложнений в родах, а также внутриутробной и материнской смертности. Все эти риски также связаны с чрезмерным увеличением веса во время беременности. Поскольку женщинам часто трудно сбросить вес, набранный во время беременности, чрезмерное увеличение веса во время беременности также может подвергнуть будущие беременности риску неблагоприятных исходов. Большая прибавка веса между беременностями также является фактором, определяющим повышенный риск будущих беременностей.

Ключевые слова: скрытый сахарный диабет при беременности, факторы риска неблагоприятных перинатальных исходов, бесплодие, бесплодие, осложнения беременности, акушерские осложнения, внутриутробная и материнская смертность.

LATENT DIABETES MELLITUS IN PREGNANCY: RISK FACTORS FOR ADVERSE PERINATAL OUTCOMES *(Literature review)*

Nasirova Z.A., Safarova D.F.

Samarqand State Medical University

✓ ***Resume***

Every year around 40 million overweight pregnancies occur worldwide, in some countries this complication occurs in more than 60%. In Uzbekistan, 25.2% of women (15-49) are overweight, 15.5% of pregnant women are obese. This review discusses the impact of being overweight on pregnancy complications and outcomes. Being overweight is a significant risk factor for infertility, miscarriage, pregnancy complications, complications in childbirth, and fetal and maternal mortality. All of these risks are also associated with excessive weight gain during pregnancy. Since it is often difficult for women to shed the weight gained during pregnancy, excessive weight gain during pregnancy can also put future pregnancies at risk for adverse outcomes. Large weight gain between pregnancies is also a factor in the increased risk of future pregnancies.

Key words: Occult diabetes during pregnancy, risk factors for adverse perinatal outcomes, infertility, infertility, pregnancy complications, obstetric complications, fetal and maternal mortality.

Долзарблиги

Бугунги кунда туғиш ёшидаги аёллар ўртасида ортиқча вазн ва қандли диабет пандемияси кучайиб, жиддий муаммо бўлиб ҳисобланмоқда. Тана вазн индекси 25 кг/м^{2}дан юқори бўлган аёллар кўпинча ҳомиладор бўлиш, ҳомиладорлик билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиб, улар ТВИ 24 кг/м^2 ва ундан кам бўлган аёлларга қараганда ҳомила тушиши ва ҳомиланинг ўлик туғилиши хавфига кўпроқ дучор бўлишади. Ҳомиладорлик даврида ортиқча вазн ҳомилани кўтаролмаслик, гестацион қандли диабет, гипертензив ҳолатлар ҳамда она ва бола учун туғиш пайтидаги асоратлар хавфининг ривожланишида асосий механизм ҳисобланади. Ҳомиладорлик даврида аёллар ўз соғлиғига жуда эҳтиёт бўлишади, бироқ овқатланиш, жисмоний фаоллик бўйича тавсияларнинг етарли даражада эмаслиги, тиббиёт ходимлари томонидан қўйиладиган стигмалар, мазкур масалалар бўйича маслаҳат беришни истамаслик аёллар ва уларнинг янги туғилган чақалоқларининг соғлиғини хавф остига қўяди. Ҳомиладорлик пайтида ортиқча вазнга эга бўлиш ва туғруқдан кейин ушбу вазнни сақлаб қолиш истиқболдаги ҳомиладорликлар хавфини оширади [2,14].

Ҳар йили дунё бўйлаб 40 миллионга яқин ортиқча вазнли аёлларда ҳомиладорлик содир бўлади, баъзи давлатларда ушбу асорат 60% дан кўпроқ учрайди. Ўзбекистонда аёлларнинг 25,2 %и (15-49 ёш) ортиқча вазнга эга, ҳомиладор аёлларнинг 15,5 %и семизликдан азият чекади.

Ушбу шарҳда ортиқча вазннинг ҳомиладорликни асоратлари ва оқибатларига таъсири муҳокама этилади. Ортиқча вазн - бепуштлик, ҳомилани кўтаролмаслик, ҳомиладорликнинг асоратлари, туғруқдаги асоратлар, ҳомила ва оналар ўлимининг катта хавф омилидир. Мазкур хавфларнинг барчаси ҳомиладорлик пайтида ҳаддан ташқари вазн ортиши билан ҳам боғлиқ.

Аёллар учун кўпинча ҳомиладорлик пайтида орттирилган вазндан халос бўлиш қийин бўлганлиги сабабли, ҳомиладорлик даврида вазннинг ҳаддан ташқари ортиши ҳам истиқболдаги ҳомиладорликни салбий оқибатлар хавфига дучор этиши мумкин. Ҳомиладорликлар орасида катта вазн ортиши ҳам бўлғуси ҳомиладорликларнинг юқори хавфини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади [9].

1-жадвал.

Ҳомиладорлик даврида вазн ортиши бўйича тавсиялар

Ҳомиладорликдан олдин тана вазн индекси	Ҳомиладорликда вазннинг оптимал ортиши
Вазн етишмаслиги <18,5	13–18
Меъёрдаги вазн 18,5–24,9	11–16
Ортиқча вазн 25–29,9	7–11
Семизлик> 30	5–9

Гестацион вазн ортиши (GWG) ҳомила ва онанинг таркибий қисмларини ўз ичига олади. Плацента, амниотик суюқлик ва ҳомила тўқималарининг ривожланиши учун ҳомила томонидан масса тўпланади. Вазн ортишининг тегишли диапазонлари аёлнинг ҳомиладорликдан олдинги ТВИга боғлиқ. Ҳомиладорликдан олдин вазн етишмаслиги кузатилган аёллар вазннинг

номувофиқ ортиши билан боғлиқ асоратларни олдини олиш учун кўпроқ вазн орттиришлари керак, семизлик қайд этилган аёллар эса вазннинг ҳаддан ташқари ортишига йўл қўймаслик учун вазн ортишини назорат қилишлари лозим.

Ҳомиладорликнинг асоратлари

Ортиқча вазнли ёки семизлик қайд этилган аёлларда ҳомиладорлик пайтида асоратлар хавфи юқорироқ бўлади. Асосий асоратлар гестацион қандли диабет бўлиб, бунда ҳам она ва бола учун хавф келтириб чиқаради [12,15].

Ҳомиладорлик давридаги гипертензив бузилишлар

Агар ҳомиладорликдан олдин гипертензия мавжуд бўлмаган ва ҳомиладорликнинг 20 ҳафталигидан олдинроқ юзага келмаган, шунингдек ҳомиладорликнинг охирги триместрида қон босими гипертензиянинг одатдаги бўсағa қийматларидан (систолик 140 мм симоб устуни/диастолик 90 мм симоб устуни) ошиб кетган бўлса, у гестацион гипертензия (ГГТ) деб аталади. Аксарият ҳолларда вазн ортиши жиддий муаммо эмас, аммо асоратларнинг ривожланишини аниқлаш учун ҳолатни диққат билан кузатиб бориш зарур (протеинурия учун мунтазам текширув ва қўшимча пренатал ташрифлар). Агар қон босими 160/110 мм симоб устунидан ошса, ушбу ҳолат онанинг ҳам, боланинг ҳам ҳаётига хавф туғдирадиган шошилинч акушерлик ёрдами сифатида баҳоланади. Шунингдек, ортиқча вазнли аёлларда туғруқдан кейин юзага келиши мумкин бўлган барча асоратлар, жумладан, қон кетишнинг хавфи юқори бўлади. Антигипертензив дори воситаларига қўшимча равишда, ортиқча вазн турмуш тарзини ўзгартириш, жумладан, вазнни назорат қилиш ва овқат рационида натрий таркибини камайтириш орқали бошқарилади. Асосан ортиқча вазнли ва семизлик қайд этилган аёллар популяциясида DASH парҳезига кўпроқ риоя қилиш диастолик қон босимининг пастлиги ва ўртача қон босими билан боғлиқ бўлган. Гестацион гипертензия одатда туғруқдан кейинги 3 ой ичида йўқолади, аммо сурункали гипертензия ривожланса, кейинги кузатув тавсия этилади [4,16].

Ортиқча вазн ва семизлик гестацион гипертензия учун белгиланган хавф омиллари ҳисобланади. Relph et al. ўзининг катта когортасида таъкидлашича, ушбу касаллик фақат 2,6% нормал вазнли аёлларда ривожланган, касалликнинг тарқалиши ортиқча вазнли аёлларда 4,7%ни, семизлик қайд этилган аёлларда 7,8%ни ва оғир даражали семизлик кузатилган аёлларда 10%дан ортиқни ташкил этган [13]. ГГТ учун хавф омиллари моделлаштирилган тадқиқот ТВИ>25кг м $^{-2}$ ГГТ ривожланишининг энг катта предиктори бўлишини кўрсатди [13,17].

Гестацион қандли диабет

Ҳомиладорлик – инсулинга резистентлик ҳолатидир. Инсулинга резистентлик (кейинги сатрларда ИР) - ҳужайраларнинг инсулин таъсирига сезгирлигини пасайиши бўлиб, ушбу ҳолат қонда инсулин ва глюкоза концентрациясининг ошишига ва кейинчалик қандли диабет 2-типининг ривожланишига олиб келади [3,11].

Физиологик ва патологик инсулинга резистентлик мавжуд. Ҳомиладорлик пайтидаги инсулинга резистентлик – тез ўсиб борувчи ҳомила учун углеводларнинг мувофиқ тушишини таъминлаш мақсадида онанинг физиологик мослашувидир. Глюкоза плацентар энергиянинг асосий субстрати ҳисобланади [1,5,13].

ИР нинг кучайиб бориши ҳомиладорликнинг ривожланиши билан содир бўлади (зардобдаги инсулин даражаси 3-триместрда 2-триместрга қараганда ва 2-триместрда 1-триместрга қараганда сезиларли даражада юқори бўлади). Ҳомиладорликнинг тўғри кечишида у ҳомиланинг нормал ўсишига ёрдам беради. Туғруқдан кейин инсулин концентрацияси тезда пасаяди ва параллел равишда инсулинга сезгирлик тикланади [2,13,16].

Ортиқча вазнли аёлларда ҳомиладорлик кўпинча асоратлар билан кечади, улар преэклампсия ва гестацион диабет ривожланишига мойилроқ бўлишади. Туғруқдан кейин инсулинга сезгирлик нафақат тикланмайди, балки қандли диабет, дислипидемия ва гипертония ривожланишининг хавфи ҳам ортади [1,13].

Агар аёл семизлик ва/ёки қандли диабет билан касалланган ҳолда ҳомиладор бўлса, ушбу ҳолат нафақат онанинг саломатлиги, балки ҳомила учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Онанинг гипергликемияси ҳомиланинг гипергликемияси ва гиперинсулинемиясига олиб келади,

қайсиким кенг тарқалган ва жиддий асоратлардан бири бўлган ҳомила макросомиясини келтириб чиқаради [5,10].

Ушбу метаболик фонда баъзи аёлларда ГҚД ривожланади, мазкур ҳолат эса ҳомилада ҳам, кейинроқ гўдаклар учун ҳам бир қатор салбий оқибатларга олиб келади. Макросомия энг кўп учрайдиган ҳолатдир. Макросомияли гўдаклар туғилганида 4,5 кг дан ортиқ вазнда бўлишади, ушбу ҳолат эса кесарча кесишлар сонининг ошишига олиб келади, чунки нормал туғруқ пайтида туғруқ йўллари орқали ҳомиланинг ўтиши елкачалар дистоцияси, суяклар синиши ва субконъюнктивал қон қуйилишлар хавфини оширади. ГҚД юрак туғма нуқсони хавфини оширади. ГҚДли аёллардан туғилган болаларда болалик давридаги семизлик хавфи юқори бўлади [1,6,13].

Семизлик ва ГҚД ўртасидаги боғлиқлик батафсил қайд этилган. Вазиятни назорат қилиш ва когорт тадқиқотларининг тизимли шарҳлари ва мета-таҳлиллари шуни кўрсатадики, семизлик хавфни уч маротабадан кўпроқ оширади, ортиқча висцерал ва марказий семизлик умумий семизликка қараганда каттароқ хавф омиллари ҳисобланади [13].

Ҳомиладорликдан олдинги ва ҳомиладорликнинг эрта муддатларидаги ТВИ ҳомиланинг ортиқча вазни сингари ГҚДнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ. Relph et al. 700 000 дан ортиқ канадалик аёллар орасида бутун диапазонда ТВИнинг ортиши билан ГҚД хавфининг ҳам ортишини аниқлашди [13].

Туғруқ пайтидаги асоратлар

Семизлик ва ҳаддан ташқари гестацион тана массасининг ошиши туғруқ пайтида ва туғруқдан кейин бевосита ҳамда билвосита асоратлар хавфини оширади. Билвосита, ПЭ ва ГҚД сингари вазн билан боғлиқ ҳолатлар вақтидан олдинги туғруқ ва кесарча кесиш ҳолатлари эҳтимолини оширади. Бевосита эса туғруқ бачадон атонияси билан асоратланади. Натижада, ушбу аёлларга туғруқнинг индукцияси кўпроқ талаб этилади [7,10]. Бироқ, индукциянинг муваффақиятли бўлиш эҳтимоли камроқ бўлиб, семизлик қайд этилган аёллар вазни меъёрда бўлган аёлларга қараганда уч баробар кўпроқ индукциядан кейин шошилинч кесарча кесишга муҳтож бўлишади [6].

Туғруқ пайтидаги аралашувлар эҳтимоли семизлик қайд этилган аёлларда кўпроқ учрайди, уларда вазни меъёрда бўлган аёлларга қараганда спонтан вагинал туғруқлар эҳтимоли камроқ бўлади [8]. Энг кўп бажарилиши мумкин бўлган аралашув кесарча кесиш ҳисобланади (ҳам режавий, ҳам шошилинч), [13] қайсиким маълум даражада, тиббиёт ходимларининг бола ва она учун хавфни минималлаштириш истаги билан боғлиқдир. Кесарча кесишда соғайиш секинроқ кечади, жарроҳлик асоратлари эса семизликда кўпроқ кузатилади [3].

Туғруқдан кейинги қон кетиш аёлларнинг 5 фоизида учрайди ва туғруқ пайтида (вагинал туғруқдан кейин 500 мл дан ортиқ ёки кесарча кесишдан сўнг 1 литр) ёки кейинги кунларда (плацента қолиб кетиши натижасида) (атония ёки бачадон ёрилиши) кўп қон йўқотиш билан тавсифланади. Семизлик туғруқдан кейинги қон кетишининг асосий хавф омилларидан биридир. Туғруқдан кейин 2 соат ичида 1 литрдан ортиқ қон йўқотиш хавфи ТВИ > 25 кг/м ^{2} бўлган аёлларда кузатилган [12]. Худди шундай, Dalbye et al. семизлик қайд этилган аёлларда туғруқдан кейинги қон кетиш хавфи икки баравардан кўпроқ ошишини аниқлаган [13]. Қисман, ушбу хавф семизлик қайд этилган аёлларнинг болаларида туғилиш пайтида вазнининг ва бош айланасининг катталиги билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат кўз ёшига сабаб бўлади.

Ҳомиладорлик, афтидан, аёлларнинг соғлиғи ҳақидаги хабарларни энг кўп қабул қиладиган ва турмуш тарзини ўзгартиришга энг тайёр бўлган ҳаёт босқичидир ва у "ўрганиш лаҳзаси" сифатида тасвирланган [4]. Ўзгариш учун мотивация пайдо бўлади, чунки аёллар муайян ҳатти-ҳаракатлари билан ўзларига ва энг муҳими, боланинг соғлиғига хавф туғдириши мумкинлигини англаб етишади.

Ҳомиладорлик аёлни ўзининг оиладаги ва жамиятдаги ролини қайта кўриб чиқишга мажбур этади [5,13]. Ҳомиладорлик, шунингдек, аёлларни соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар ҳамда саломатлик ва турмуш тарзига оид адабиётлар билан кўпроқ алоқада бўлишига олиб келади ҳамда шу тариқа ўрганиш чоғидан наф олиш мумкин бўлган йўлларни очади.

Афсуски, маслаҳат ва маълумот олиш истаги аёлларни ишончсиз манбаларга мурожаат этишига олиб келиши мумкин. Интернет манбалари нафақат кечаю кундузнинг исталган вақтида фойдаланиш мумкин бўлган афзалликларга эга, балки уларда хатоликлар ва атайлаб нотўғри маълумотлар ҳам мавжуд. Интернет манбалари ҳомиладор аёлларнинг қарорига катта таъсир кўрсатади, ушбу аёллар кўпинча тиббий ходимлардан олган маълумотлардан норози бўлишади ва мазкур ходимлар кўпинча аёлларда саволлар туғилганида узоқда бўлишади [13].

Ҳомиладорликнинг физиологик реакцияси ўз-ўзидан ҳомиладор бўлган пайтдан бошлаб парҳезли ҳатти-ҳаракатга таъсир этиши ва ушбу ҳолат вазн ортишини назорат қилувчи ўзгаришларни киритишга ёрдам бермаслиги мумкин. Кўнгил айниши ва қусиш одатий ҳол

ҳисобланади, баъзида улар ҳомиладорликнинг биринчи белгиси бўлиб, ҳомиладорликнинг 2- ва 6-ҳафталари орасида юзага келади [3, 13]. 60% дан 80% гача аёллар ҳис қилган кўнгил айниши озиқ-овқат танловига таъсир этиши мумкин ва аксарият аёллар муайян озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларга нисбатан афзалликларни ўзгартириши ҳақида хабар беришади. Одатда таркибида кофеин мавжуд бўлган ичимликлар, тухум, балиқ, гўшт ва ёғли овқатлардан воз кечилади, углеводларга бой овқатлар истеъмоли эса биринчи триместрда кўпайтирилишига мойиллик бўлади. Ширинликлар, печенье, шоколад ва пирожнийлар, шунингдек мева ва мева шарбатлари кенг тарқалган [4]. Психологик омиллар ҳам муҳимдир ва баъзи аёллар ҳомиладорлиги ва бошқа салбий ҳолатлар туфайли юзага келган безовталик билан курашишда овқатдан фойдаланишади [17].

Гарчи кўпчилик аёллар ҳомиладор бўлишдан олдин ўз турмуш тарзини ҳомиладорликка жавобан у ёки бу даражада ўзгартиришса-да, ўрганиш учун вақтнинг ва буни амалга ошира оладиган тиббиёт ходимининг мавжудлиги аёлларнинг тўғри танлов қилишига кафолат бермайди. Ҳомиладорлик пайтида вазнни бошқариш ва ҳаддан ташқари вазн тўплашдан қочиш ҳақида гап кетганда, аёллар билан аниқ мулоқот қилиш имкониятини қўлдан бой бериш мумкин.

NICE тавсияларида айтилишича, аёлларнинг розилигисиз ва етарли даражада тушунтиришсиз ёки қайтар алоқасиз вазннинг мунтазам мониторингини ўтказиб бўлмайди. Бундан ташқари, ортиқча вазнли ёки семизлик қайд этилган аёллар ҳомиладорлик пайтида мунтазам равишда вазни ўлчаганлиги учун ўзларини стигмаланган, безовта ёки айбдор ҳис этишларини кўрсатадиган тадқиқотлар мавжуд. Johnson et al. [13] томонидан ўтказилган тизимли шарҳлар вазнга диққат билан эътибор қаратиш ҳомиладор аёлларда парҳез ва жисмоний фаолликни мақбуллаштириш учун тўсиқ бўлиши мумкин деган хулосага келган. Бироқ, ҳомиладорликнинг биринчи триместридаги деярли 200 нафар аёлни ўрганишда Swift et al. [13] кўпчилик аёллар ўз вазни бўйича тиббиёт ходимларидан маслаҳат ва тавсиялар олишдан хурсанд бўлишларини аниқлаган, гарчи аёлларнинг 31 % и ҳомиладорликнинг бошида ортиқча вазнли ёки семизликдан азият чеккан бўлса-да, уларнинг атиги 15 %и доя томонидан ўлчанганидан кейин вазни бўйича ҳар хил фикр-мулоҳазаларини олишган. Ҳомиладорлик даврида вазн ортиши борасида ўзини ўзи назорат қилиш аёлларнинг ушбу гуруҳида одатий ҳол бўлган, мазкур ҳолат эса бутун ҳомиладорлик даврида улар ўз вазнига қизиқишини ва вазнини кузатиб боришини кўрсатган.

ҲОМИЛАДОРЛИК ПАЙТИДА ВАЗННИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ

ТВИнинг барча синфларида ҳомиладорликнинг дастлабки 20 ҳафтасида вазн ортиши ўртача (тахминан 2,5 кг) бўлиб, кейинчалик эрта муддатларга қараганда тахминан 3-4 баравар тезроқ содир бўлади [3]. Тана вазни билан боғлиқ бўлган асоратларга йўл ҳомиладорликнинг бошида ва ўрталарида белгиланади, чунки гестацион қандли диабет 20 ҳафтадан ва гестацион артериал гипертензия эса 24 ҳафтадан бошлаб намоён бўлиши мумкин. Аксарият аёллар ҳомиладорликнинг 11-12 ҳафталигигача туғруқдан олдинги хизматларда рўйхатдан ўтмаганлиги ва тиббий ходимлар билан доимий алоқада бўлмаганлиги сабабли ҳаддан ташқари GWG ни олдини олиш учун стратегияларни жорий этиш мумкин бўлган бир неча ҳафталик давр мавжуд.

Вазнни қандай бошқариш кераклиги нуқтаи назаридан, мақсади вазн йўқотишга эришиш эмас, балки соғлом чегараларда вазн орттиришга имкон беришдан иборат бўлган ҳомиладорликдан ташқари ҳолларда ҳомиладор бўлган ва ҳомиладор бўлмаган кишилар ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаслиги керак. Жисмоний фаоллик муҳим аҳамиятга эга, илгари кам ҳаракатли ҳаёт тарзини кечирган аёлларга камроқ ўтириш, юришни кун тартибига киритиш ва узлуксиз равишда ҳафтасига уч марта ва кунига 15 дақиқагача жисмоний машқлар билан шуғулланиш (масалан тез юриш ёки сузиш) тавсия этилади [7]. Акс ҳолда, ҳафтасига 150 дақиқа ўртача интенсивликдаги машқлар тавсия этилади [16]. Ҳомиладорликнинг ўзига хос хусусияти – мувофиқ тайёргарликдан ўтгач аёлларга вазн масалалари бўйича маслаҳат бера оладиган соғлиқни сақлаш мутахассисларининг мавжудлигидир (доялар, акушерлар, умумий амалиёт шифокорлари). Баъзи ҳолларда аёлларга диетолог - мутахассисларнинг ёрдами фойдали бўлиши мумкин. Кўпгина ҳомиладор аёллар вазн ҳолатига мослаштирилган электрон соғлиқни сақлаш ресурсларига, масалан, смартфонлар учун иловаларга киришлари мумкин [6]. Ушбу иловалар ҳомиладорлик даврида ўргатувчи вақтдан фойдаланишнинг алоҳида инновацион мисоли бўлиб, аёлларга касбий танбеҳлар ёки стигмага дучор бўлмасдан, ўз соғлиғи ва жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш имконини беришга қаратилган. Мазкур иловалар тўғри маълумотларни тақдим этиши ва у фойдаланувчининг вазн ҳолатига ҳам мос келиши муҳимдир.

Ортиқча вазнли ва семизлик қайд этилган аёлларда GWG ни чеклашга қаратилган аралашувларнинг самарадорлигини кўриб чиқадиган кенг қамровли адабиётлар мавжуд бўлиб, ушбу аралашувлар турли хил, баъзан қарама-қарши натижаларга олиб келган.

Хулоса

Ортиқча вазн ва семизликнинг глобал тарқалиши йилдан-йилга ортиб бораётганлиги сабабли, ҳомиладор аёллар ва уларнинг болалари саломатлигига ҳамда бардамлигига бўлган хавф, шунингдек ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини даволашга оид харажатлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

